


Оддий ибодатнинг

кучи

Қандай қилиб Худо билан ҳамма
нарса ҳақида гаплашиш мумкин

Ибодатнинг турлари



ЖОЙС МАЙЕР

#1 Нью-Йорк Таймс журнали хулосасига кўра бозори чақон китоблар муаллифи

АЗИЗ ДҮСТИМ!

Сизга Жойс Майернинг «Ибодатнинг турлари»
номли китобини юбораётганимиздан хурсандмиз.

Ибодат – бу нафақат бутун борлиқни яратган
Худованд билан мулоқот ва бутун Оламнинг Олий
Шахси билан сұхбат; ибодат – шунингдек, бизнинг
Худованд билан ҳамкорлик қилиш қобилиятимиз,
жисмоний дүнёда ниманидир рүёбга чиқариш
учун У билан рухий соқада ўзаро ҳаракатимиз.
Ибодат улкан құдратта эга, чунки унинг ортида
Худованд туради. Ибодатнинг бир неча турлари
мавжуд. Биз уларни қанча фарқлай олсак ва ҳар
хил вазиятларда у ёки бу туридан фойдалана
олсак, ибодатимиз шунчы самарали бўлади.

Сиз бу китобдан, ибодатнинг турлари ва
қайси вазиятда, айнан қай тури кўпроқ мос
келиши ҳақида билиб оласиз. Буларнинг тубига
еттагач, сиз шундай тарзда ибодат қилишни ўрганиб
оласизки, натижада, доимо уларга
жавоб оладиган бўласиз.

Дикқат! Илтимос, муаллифлик қонунига риоя
қилинг. Ушбу китобнинг барча хуқуқлари халқаро
муаллифлик қонунига биркитилган. Китобнинг ва/
ёки муқованинг мазмунидан муаллифнинг ёзма
рухсатисиз тўлиқ ёки қисман фойдаланиш
татьқиқланади.

Сизга маҳсулдор ўқишини тилаб қоламиз!

Оддий
ибодатнинг

кучи

Ибодатнинг турлари

ЖОЙС МАЙЕР

Ибодатнинг турлари
Оддий ибодатнинг кучи
Тўлиқ ҳажмдаги китобдан
© 2016, Жойс Майер

The Power of Simple Prayer
How to Talk with God about Everything
(Chapters 4, 9-11)

The Power of Simple Prayer
How to Talk with God about Everything
Types Of Prayer
Joyce Meyer
ISBN 978-0-446-58058-8

FaithWords
Hache e Book Group
237 Park Avenue
New York, NY 10017

Ушбу китобнинг барча хуқуқлари халқаро муаллифлик қонунига биркитилган. Китобнинг ва муқованинг мазмунидан муаллифнинг ёзма рухсатисиз тўлиқ ёки қисман фойдаланиш таъқиқланади.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	7
Биринчи боб	
Мақтов, сажда ва миннатдорлик.....	9
Иккинчи боб	
Багишланиш ва умидворлик ибодатлари	39
Учинчи боб	
Сўров ва кутиш ибодатлари.....	67
Тўртинчи боб	
Шафоат ва келишув.....	98

СҮЗ БОШИ

Муқаддас Китобда ибодатнинг ҳар хил турлари мавжуд, ушбу китобда эса уларнинг айримларини кўриб чиқамиз. Ибодатнинг турларини қанча яхшироқ билсангиз, уларнинг шунча самарадорлиги ошади. Биз мақтов, сажда, ва миннатдорлик ибодатлари тўғрисида гаплашамиз, сабаби, улар оддий нарсалар бўлсада, ҳаётимизни ақлга сиғмас қуч билан тўлдиради. Бағишланиш ва умидворлик турларини ҳам кўриб чиқамиз, улар Худога эркин ҳаракат қилишга рухсат беришни назарда тутади. Худди шундай, сўров ва кутиш турларини ўрганамиз; буларнинг иккиси ҳам ғаройиб натижаларни олиб келади, демак, уларни амалда тадбиқ қилишни билишимиз лозим. Худодан нимадир илтимос қилиш, сўров ибодати, деб номланади – биз у ҳақида ҳам айтиб ўтамиз.

Ибодат – бу Худованд билан ҳамкорлигимиз ҳамда жисмоний дунёда нимадир рўёбга чиқиши учун У билан руҳий дунёдаги ўзаро ҳаракатимизни билдиради. Ибодат самодаги қудратни ерга олиб келади.

Жойс Майер

БИРИНЧИ БОБ

Мақтов, сажда ва миннатдорлик

Эҳтимол, сиз мақтов, сажда ва миннатдорликка ибодат сифатида қарамагандирсиз, бироқ улар ибодат ҳисобланади, негаки, улар Худога юрагимизни тұлдириб турған нарсаларни очади.

Мақтов, сажда ва миннатдорлик ҳақида гапиrar эканман, бу сўзларни жамоатнинг одатдаги талқинини эмас, анча чуқур ва таъсирли маъносини назарда тутаяпман. Мен Худованд билан самимий сұхбат ва Унинг қаршисидаги мутлақ софдиллик ҳақида айтаяпман. Мақтов, сажда ва миннатдорликни алоҳида таърифлаш қийин, чунки улар моҳиятан бир-бирига ўхшаш ва рухий дүнёда бирдек ҳаракат қиласы. Топшириқни енгиллаштириш учун мақтовни, Худованд қиласын, қилаётган ва қиласын ишларига нисбатан жавобимиз, деб тасвиrlайман. Сажда – Унинг қандайлигига бўлган муносабатимиз. Миннатдорлик эса Унинг ишлари ва сифатлари учун самимий дил изҳоримиздир.

Биз жамоатдаги йиғинларда, кўпинча мақтов, сажда ва миннатдорликни бирлаштириб юборамиз. Одатда, хизматлар мақтов қўшиқлари

билан бошланади, кейин кимдир миннатдорлик билдиради ёки Каломдан оялар ўқийди, шундан сўнг, сажда бошланади. Мен мақтов, сажда миннатдорликда улкан куч мавжудлигига қаттақ ишонаман ва уларга йифинларда қўпроқ эътибор қаратилишининг тарафдориман. Биз буларга ҳурмат билан ёндошишимиз ва Худонинг Сўзини юқори даражада қадрлаганимиздек, уларни ҳам шундай қадрлашимиз зарур.

Мен жамоатдаги хизматларимизда, ҳар битта инсон юракдан, ташқи дунёдан юз тубан бурилиб, Худони мақташ, Унга сажда қилиб, миннатдорлик билдириш даврлари келишини сабрсизлик билан кутмоқдаман. Биз ҳаммамиз, ўз муаммоларимизни четга қўйиб, ташвишларни унитиб, навбатдаги, Худовандни мақташ имкониятини чин юракдан кутишимизни жуда ҳам истардим. Ўзимизни мақтов, сажда ва миннатдорликка тўлиқ топширишимизни хоҳлардим, токи улар бизни тўлдирисин ҳамда сўзлар ва қўшиқлар орқали юзага оқиб чиқсин. Ҳаммамиз Раббийга шунчалик берилган ва мақтов, миннатдорлик билан тўлиб-тошган кунларни кўришни истайман, токи мақтов вақтида атрофга қарамайлик, бизни, ким келгани ва қандай кийимдалиги қизиқтирумасин.

Худованд биргаликдаги ҳурмат ва самимийлик билан айтилган мақтовга доимо жавоб беради. Худованд, Унга чин қалбдан мақтов ва миннатдорлик билдираёттандарга – Ўз шуҳратини – яъни, Ўз ҳузурини ва кучини намоён этади. Худованд гапирганида, мўъжизалар яратилади, одамлар шифо топадилар, уларнинг ҳаёти ўзгача тус олади, юракларида эса жиддий ўзгаришлар содир бўлади. Сиз ҳам ибодатларингиздан, худди шундай натижаларни кутаяпсиз, шундай эмасми? Энг аввало, ҳаётингизда ўзгаришлар бўлиши учун ибодат қилаяпсиз, менимча? Янги иш сўраёттан бўлсангиз, демак, ўзгаришлар учун ибодат қилаяпсиз. Яқин кишингиз Раббийга келишини сўраёттан бўлсангиз, сиз ўзгаришлар учун ибодат қилаяпсиз. Худовандни кўпроқ таниб-билиш ва руҳий ўсишни сўраёттан бўлсангиз, сиз ўзгаришларни хоҳлаяпсиз. Оилангиздаги муносабатларни тикланишини сўраёттан бўлсангиз, ўзгаришлар учун ибодат қилаяпсиз. Наркотик моддалар қабул қилаётган ўсмир, тўғри йўлга киришини сўраёттан бўлсангиз, ўзгаришлар учун сўраяпсиз. Ғазабланишни камайтиришни сўраёттан бўлсангиз, ўзгаришлар учун ибодат қилаяпсиз.

Ҳар битта ибодатимизни мақтов, сажда ва миннатдорлик билан бошласак, айни муддао бўлар эди. Бу юрагимизни тўғри ҳолати ва ўзгаришлар учун заминдир. Бу оддий ибодатлар ҳисобланса-да, улар ҳаётимизнинг барча соҳаларидағи таъсирини кўришимиз мумкин бўлган қудратли руҳий кучга эгадир.

Мақтov

Биз Худони бор юракдан улуғласак, руҳий кучни ҳаракатга келтирамиз. Худованд Ўз халқининг мақтovлари аро яшайди (Сано 21:4). Мен доимо мақтов ва сажда хизматининг бошида келишга ҳаракат қиласман, чунки Худонинг ҳузурида бўлишни, ўта даражада ёқтираман. Мен одамларга мурожаат этишдан аввал, мақтов ва сажда ҳолатига киришим лозим – бу Худованд учун эмас, менинг ўзим учун муҳим. У мен учун амалга оширган ва келажакда амалга оширадиган барча нарсалардан тўлиб-тошаётган қувончни изҳор этишим; диққатимни Худога қаратишим ва У ҳақида сўзлашга тайёр бўлишими лозим. Улуғловдан келадиган кучга қўшилишим ва само балан алоқани ҳис этишим зарур. Буларнинг барчасини, Уни севга-

ним учун қиласман. Бундан ташқари, мақтov руҳий мұхитнинг ойналарини очади, шу орқали, Калом инсонларнинг юракларига сингиб киради ва имон билан ўрнашиб қолади.

Сизда, хизматта әзилган ҳолда келиб, Худони бир неча дақиқа мақтагандан сүнг, ўзингизни анча енгил ҳис этган пайтлар бўлганми? Мақтov бизни қийнаётган барча нарсалардан озод қиласди; у бизнинг диққатимизни ўзимиздан ва ўз муаммоларимиздан олиб, Худога қаратади, натижада, ҳақиқатдан ҳам ентиллик келади.

Мақтov ҳам руҳий жангнинг бир тури ҳисобланади. Худони шарафлаш, шайтон ва барча ёвуз кучларга мағлубият келтиради. Улуғлов қўшиқлари қўрқув кучини енгиб ўтишга, Худодан бўлмаган руҳларни қувишга қодир. Мисол учун, қўрқув руҳи хавф-хатар ва ваҳима фикрлари орқали, сизни ўзига бўйсундирмоқчи бўлганида, овоз чиқариб, Раббийни мақташни бошланг: Раббий, мен сени улуғлайман ва Исламни юксалтираман. Сен мақтovга лойиқсан. Ҳаллилуйя! Раббий, Сендан миннатдорман, Сен буюксан! Сенинг ўхшашинг юқдир!» Биз бу сўзлардан ҳар вақт ва ҳар жойда қурол сифатида фойдаланишимиз мумкин. Шайтонни ўз хавотирларимиздан кўра мақтov қўшиқла-

римиз билан анча тезроқ енгиб чиқамиз, шунинг учун ҳам, Каломда улуғловга мисоллар ва Худовандни мақташ ҳақида амрлар жуда қўп ёзилган. Келинг, уларнинг айримларини кўздан кечирамиз:

- «Эй, менинг кучим! Мен Сени куйлайман, чунки менга шавқат қиласиган Худо – менинг паноҳимдир» (Сано 58:18).
- «Раббийни шарафланглар! Раббийга янги қўшиқ куйланглар! Муқаддаслар йигинида Унга шараф бўлсин! Истроил ўз Яратувчи-сида қувонсин! Сион ўгиллари ўз Подшохла-рида қувонсинлар! Унинг исмини рақсларда шарафласинлар, Унга доира ва кинор билан тараннум этсинлар!» (Сано 149:1-3).
- «Раббийда доимо қувонинглар. Сизларга яна айтаман: қувонинглар» (Филиппиликларга 4:4).
- «Аммо сизлар – танланган бир авлод, шоҳона руҳонийлар, муқаддас халқ, Худонинг шахсий одамларисизлар. Сизлар Худонинг бар Камоллиги ҳақидаги хабарни етказишингиз учун қоронгиликдан Унинг ажойиб нурига даъват қилингансизлар» (1 Петрга мактуб 2:9).

Нега Калом бизга, Худога қуйлашни ва Уни мақташни буюраяпти? Нега Сано 149:1 «янги

қўшиқ» куйлашга чақирайпти? Нима учун Худованд бизга мусиқани берди? Нима сабабдан У юракларимизга қўшиқ жойлади? Сабаби, мақтov – бу куч манбаи.

Мақтov, куч манбаидир

Менимча, Иброҳим ҳақидаги воқеадан хабардорсиз. Ундай бўлмаса, ўша воқеани Ибтидо китоби 12:1-21:7 да топишингиз мумкин. Қисқача қилиб айтганда: Худованд Иброҳимга ўғил ваъда қилди, бироқ муаммо шунда эдики, Иброҳим ва унинг рафиқаси Соронинг ёшлари анча кекса ёшда, тўттрироги, улар нуроний кишилар эдилар. Иброҳим юз, унинг рафиқаси – тўқсон ёшда бўлиб, уларнинг бола қўриш йиллари анча ортда қолиб кетган эди. Лекин Иброҳим Худонинг сўзларини ёдда сақлар ва бола қўришнинг жисмоний томондан имконсизлигига эътибор бермас эди. У Худонинг ваъдасига қаттиқ ишонар ва Уни шарафлар эди. Ҳаворий Павел Римликларга Мактуб 4:18-21 да, ушбу ажойиб воқеани сўзлаб беради. «У (Иброҳим) умиди қолмаганига қарамасдан, умид билан ишонди, токи «Сенинг уругинг сон-саноқсиз бўлади», деб айтилгани бўйича қўп халқларнинг отаси

бўла олсин. Шундай экан, имонда заифлашмасдан, у юз ёшга яқинлашган бўлса ҳам, ўзининг танаси ўлиқдай бўлгани ва Соронинг баҷадони ўлгани ҳақида ўйламади, имонсизлик билан Худонинг ваъдасидан ҳам шубҳаланмади, лекин Худони улуғлаб, имонида кучлироқ бўлди».

Бу кишида бирор нарсага умид қилиш учун мантиқий асос йўқ эди. Тўқсондан ошган эр-хотин бола туғишга уринишларидан кўра умидсизроқ вазиятни тасаввур этиш қийин. Шундай бўлсада, Иброҳим умидворликда ва Худонинг ваъдасига ишонишда давом этди. У ҳамма вазиятлар унга қаршилигини кўриб турган, лекин шунда ҳам, унинг танаси «ўлиқдай» ва «Соронинг баҷадони бепушт» бўлсада, ортга чекинмади. Ниятининг ташқи томонлама амалга ошмаслигига қарамай, гумонланмади, имонда тебранмади ва Худонинг ваъдасини шубҳа остига қўймади. У Худони улуғлаб, «заифлашмасдан, имонда кучли бўлиб турди».

Биз билан ҳам худди шундай бўлади. Худони улуғлаганимизда, кучга тўламиш, имонда мустаҳкамланамиш, бизга халақит бермоқчи бўлган ҳар қандай куч эса изсиз йўқолади – мана, нима учун мақтов ва сажда куйлашни

назардан четда қолдирмаслигимиз керак. Уйда ва машинада улуғлов қўшиқларини эшитинг, уларни ёдланг ва ўзингиз ҳам куйланг. Ҳар сафар, Худони шарафлаш имокони бўлганида, уни қўлдан бой берманг. Ва тез орада, мақтов сиз учун одатий ҳол бўлиб қолади. Мақтов ва минатдорлик, Худонинг ҳар бир эзгулиги, шавқати ва иноятига нисбатан, сизнинг табиий жавобингизга айланади.

Воқеани сўзлаб беринг

У.Вайнанинг таҳриридаги «Эски ва Янги аҳддаги сўзларнинг изоҳли луғати»да «Мақтов» сўзининг маъноларидан бири – «сўзлаб бериш», «хикоя қилиб бериш». Худони шарафлаш – бу Унинг буюк ишлари ҳақида хикоя қилиб бериш ҳисобланади. Дўстимизга тушлик пайтида, Худонинг мўъжизаларидан сўзлаб берсак, Уни улуғлаган бўламиз. Худога, У ҳақида гапиришимиз ёқади. У бу сўзларни эшитади ва хотира китобига ёзиб қўяди. У сизнинг норози тўнғиллаш, жовраш ва арзларингизни ёзмайди – мақтов сўзларингизни ёзади.

Тасодифан, фарзандларингизнинг сиз ҳақда: «Ойимиз шунақангидек яхшики, у дунёдаги энг

зўр она! Унга ўхшашини топишнинг иложи йўқ. Бутун дуёдаги энг яхши ота-она, бизнинг ота-онамиз», деганини эшитиб қолсангиз, нимани ҳис этган бўлар эдингиз? Аминманки, фарзандларингиздан бундай сўзларни эшитгач, хурсандчиликни ҳис этган ва уларни ҳам, тез орада бирор нарса билан қувонтиришга уринган бўлар эдингиз. Энди тасаввур этиб кўринг, тўсатдан, фарзандларингизнинг бундай гапини эшитиб қолдингиз: «Менинг ота-онам ҳиқилдоғимга келди. Улар биз учун ҳеч ҳам ғамхўрлик қилмайдилар, аксинча, доимо биздан талаб қиласдилар, ҳамма нарсани таъқиқлайдилар. Ойим доим бизни уришгани уришган, дарс қил, деб мажбуrlайдилар. Агар улар бизларни чиндан ҳам севгандарида эди, улар фақат ўзларининг эмас, бизнинг ҳам хоҳишимизга қарап эдилар».

Худо билан ҳаётимиз, юқорида айтиб ўтган саҳналарга ўхшамайди – ахир, биз Унинг фарзандларимиз. У гапирган сўзларимизни, ҳатто жим турган пайтдаги юрагимиздаги гапларни ҳам эшита олади. Худованѓга ёқимли бўлиши учун, нималар ҳақида гапиришимиз лозим? Унинг буюклиги, Унинг ажойиблиги, Унинг мўъжизалари ва нимага қодирлиги, ҳаётимиз-

даги Унинг қилган ва кўрмаётган бўлсақда, биз учун қилаётган ишлари ҳақида гапиринг. У биздан мақтов ва тасанно сўзларини эшитишни истайди.

«Шундай қилиб, Исо Масих орқали доимо Худога мақтов қурбонлигини, яъни Унинг исмини улуғлайдиган оғзимизнинг ҳосилини келтирайлик» (Ибронийларга 13:15). Кўпинча, Худони хоҳишимиз йўқ пайти улуғласак, бу «мақтов қурбонлиги»га киради, деб ўйлаймиз. Албатта, бу ҳам қурбонлик ҳисобланади, аммо мен аминманки, Ибронийларга мактубнинг муаллифи, Эски Аҳддаги ҳайвонларнинг қони одамларнинг гуноҳлари учун раҳм-шавқат сифатида келтирилган қонун тартибига мурожжат қиласяпти.

Биз сизлар билан Янги Аҳдда яшаяпмиз ва биз қурбонлик учун қўй, эчки, ҳўкиз олиб келишимизнинг ҳожати йўқ. Худованд биздан кутаётган қурбонлик – бу Унинг тахтига етиб борадиган мақтовимиз. Эски Аҳд даврида қурбонликларнинг тутуни Унинг тахтигача қандай етиб борган бўлса, юракларимиздан чиқаётган мақтов ҳам, шундай етиб боради. Юқорида келтирилган оятни бошқача қилиб ифодаласак: «Бугун Унга маъқул қурбонлик – бу Уни

эъзозлайдиган ва миннатдорлик билдирадиган оғзимизнинг ҳосили», десак бўлади.

Ҳар сафар, Худони улуғлаш имкониятдан фойдаланиб, бу оятни бажаришимиз керак. Одамларга, У биз учун яратган мўъжизалари тўғрисида гапириб беришимиз, Ундан миннатдор бўлишимиз ва Унга севги сўзларини айтишимиз лозим. Мақтов ҳаётимизнинг ўчмас қисмига айланиши ва Унга «ҳар вақт, тўхтосиз» раҳматлар айтишимиз зарур.

Сажда

У. Вайнанинг таҳриридаги «Эски ва Янги аҳддаги сўзларнинг изоҳли лугати»да: «Муқаддас Китобда «сажда» сўзига таъриф берилмаган, деб айтилган». Биласизми, нима учун? Менинг фикримча, саждага таъриф беришнинг имкони йўқ. Сажда – тавсифлаб бўлмайдиган, қалбимизнинг тубидан кўтариладиган, юрагимизни тўлдириб, Раббийга борадиган, қандайдир қимматбаҳо ва ажойиб нарса. Бу Унга севги, ташаккур, содикликни кўрсатадиган ҳолат. Буни тушунтириш учун сўзларни танлаш қийин. Саждани тўлиқ таърифлаш учун инсоннинг тили етарлича бой эмас. Сажда – бу ички в шахсий туйғу бўлиб, аниқ бир сўз билан ифодалашнинг кераги йўқ.

Бу сўзнинг таърифи йўқлигига қарамай, «Эски ва Янги аҳддаги сўзларнинг изоҳли луғати» да саждани «фақат улуғлов билан чекланмайдиган, Худованднинг сифатлари, ишлари ва вაъдаларини тан олишнинг кенг маънодаги ифодаси», деб таъкидлайди. Яна, сажда «хизмат қилиш», «ёрдам қўрсатиш» маъноларини ҳам билдиради. Айрим манбаларда, «сажда қилиш», «ўпиш» маъносини билдиради, шунинг учун бу чуқур боғлиқлик ва яқинликни назарда тутади.

Каломда саждага тегишли буйруқ ва фикрлар мавжуд. Жумладан:

- «Раббий номининг шуҳратини шарафланглар. Қурбонликни олиб, Унинг қаршиисига боринглар. Раббийга Унинг муқаддаслигининг гўзаллигигда сажда қилинглар» (1 Йилномалар 16:29).
- «Келинглар, сажда қиласиз ва таъзим қиласиз! Яратувчимиз Раббий қаршиисида тиз чўккамиз!» (Сано 94:6).
- «Раббий бизнинг Худойимизни улуғланглар, Унинг муқаддас тогигда сажда қилинглар, чунки Раббий бизнинг Худойимиз муқаддасдир!» (Сано 98:9).

- «Сенинг мүқаддас маъбадинг томонга сажда қилиб, шафқату ҳақиқатинг учун Сенинг номингни шарафлайман, чунки Сен Ўз сўзингни Ўзингнинг барча номингдан устун қўйдинг» (Сано 137:2).

Ўзида куч мужассамланган тана ҳолати

Сажда ҳам, мақтovга ўхшаб – шунчаки санолар куйлашдан, анча юқорироқ тушунча. Сажда – юракнинг тайёрги ва онгнинг ҳолати. Бирорта ҳам нотани куйламай, Худога бор юракдан сажда қилишимиз мумкин. Сажда юракда туғилади, онгни тўлдиради ҳамда сўз ва тана ҳаракатларимизда ифодасини топади. Мисол учун, Худога рақста тушиб, қарсаклар чалиб, қўлларни кўтариб, мусиқа асблолари, ушрлар ва қурбонликлар билан сажда қилишимиз мумкин.

Сажда учун энг кенг тарқалган тана ҳолати – тиз чўкиш ҳисобланади. Бу ҳолат, ҳокисорлик рамзиdir, шу билан бирга, унда ҳаддан зиёд катта куч мавжуд бўлиб, душманга белгиланган ишорани юборади. Шайтон бу тана ҳолатидан нафратланади. Биз куйлаганимизда, у юраги-

мизда нималар борлигини билмайди, борди-ю, тиз чўкканимизни кўрса, жаҳли чиқишини бошлайди. Уни энг ёмон даҳшатта соладиган нарса – сажда қилаётган имонли. Мен қўп вақт тиз чўкиб тура олмайман, лекин тез-тез Худога таъзим қилиб, дейман: «Раббим, мен учун қилган барча ишларинг учун, раҳмат Сенга. Менга бугун ёрдам берганинг учун, ташаккур». Баъзида, бу сўзларни айтиш учун, атайин барча ишларимни бир четта суриб қуяман. Телекўрсатувларимизни суръатта олган кунлари, жараённинг орасидаги танаффусларда, ўзимнинг гринхонамда ёлғиз қолиб, Худога сажда қилган пайтларим бўлади. Баъзида, эрталаб уйғонгач, бирданига кроватимнинг ёнида тиз чўкаман ва оддий сўзлар билан ибодат қиласман: «Раббим, мен Сени яхши кўраман. Бугун, мен учун тайёрлаб қўйган барча нарсалар учун миннатдорман». Сизга ҳам, шундай нарсаларни одат сифатида шакллантиришни маслаҳат бераман. Ёдингизда бўлсин: шайтон мақтov ва саждадан нафратланади, шунинг учун, бу нарсалар унга доимо мағлубият келтиради.

Унинг нафратининг сабабини излашнинг ҳожати йўқ: шайтон, қачондир самодаги саждага жавобгар, бош фаришта Люцифер

бўлган. Унинг танаси мусиқа асбобларидан иборат бўлган. У мағуруланиб, гердайиб кетгач, Худованд уни ерга улоқтириди ва у чақмоқ сингари қулади (Ишаъё 14:12-15; Луқо 10:18). У ҳали ҳам Худога нисбатан ғазабда ва Унга сажда қилаётган кишиларга бор кучи билан халақит беради. Қачондир, у ижро этган ролни, энди биз бажараётганимиз, унга ёқмаслиги табиий ҳол. Агарда, у нимагадир қаттиқ қаршишик қўрсатаётган бўлса, бу биз тўғри ҳаракат қилаётганимиздан дарак беради. Бизга фойда ва шайтонга мағлубият келтирадиган, Худога маъқул ишларни амалга оширишимиз лозим.

Мени кўпинча, сажда пайти ҳиссиётлар тўлдиради. Мен ҳар сафар рухланишни хис этаман, мени ғайрат ва қувват тўлдиради. Менга, баъзан сокин сажда ёқади, шундай бўлсада, мен Худога, ҳиссиётларимни яширмай мақтов ва сажда куйлашни яхши кўраман. Унга албатта, куйланг, бор юракдан куйланг, рақста тушинг, қарсак чалинг, ҳаёtingиздаги Унинг ғалабаларини эълон қилинг ва турли усуllар билан, Унга бўлган ҳурматингизни ва чуқур меҳр-муҳаббатингизни билдиринг. Худованд сизга ҳиссиётларни берган, шундай экан, Уни

шарафлаганда, уларни кўрсатишдан уялманг. Футбол ўйинлари чоғида ҳиссиётларини яширмайдиган, Худони улуғлаш пайтидаги одамларнинг ҳис-тўйғуларини эса ҳукм қиласидиган кишилар, мени ҳайрон қолдиради.

Унга бор юракдан сажда қилинг

Аксарият кишилар, саждани диний маросим, деб биладилар, бу эса Каломдаги сажда гоясидан жуда йирокда. Ҳар сафар, Каломда сажда тилга олинганида, Худо билан шахсий муносабатлар, У билан рухий яқинлик, Унга кучли садоқат ҳисси, Унинг қаршисида севги ва самимийлиқдаги бош эгиш назарда тутилади. Ҳаққоний сажда – Худонинг олови ёниб турганида, нимадир ичимизда қайнатиши, Унга бўлган севгимиз атрофдаги ҳамма нарсага қўйилиши, У билан чексиз иштиёқ ва хурсандчиликда муносабатлар қуришимиз ҳисобланади. У айнан шундай саждакорларни изляяпти, Унга айнан шундай сажда маъқул: «Аммо шундай кунлар келадики, аллақачон келди ҳам, ҳақиқий сажда қилувчилар Отага руҳда ва ҳақиқатда сажда қиласидилар, чунки Ота Ўзига шундай сажда қилувчиларни изламоқда» (Юҳанно 4:23).

Худованд ҳақиқий саждакорларни излашга мажбурулуги, мени доимо ўкситган. Мени фикримча, бундай одамлар сон-саноқсиз бўлиши ва биз Худованд излаётган саждакор бўлишга ҳаракат қилишимиз керак. Уни, қўрққанидан сажда қиласидиган, қарздорлик ҳиссидан диний маросимни амалга оширадиган кишилар қизиқтиромайди. У, Уни севгани учун сажда қиласидиганларни излайди.

И. М. Баундс «дин ҳамма нарсага дахлдор бўлиши мумкин, бироқ фақат юрагимизга эмас», деб ёзади. Бу ҳақиқат. Ҳақиқий сажда ҳам, якка-ю ягона, юрагимизга дахлдордир. Ҳамма сажда қиласидиган кишилар ҳам, ҳақиқий саждакор эмас. Самимий сажда юракдан оқиб чиқади ҳамда Худога бўлган севги ва яқинликдан юзага келади.

Рұхда ва ҳақиқатда сажда қилиш – бизни белгиланган вақтда, белгиланган жойга бориб, белгиланган маракаларни ўтказишга мажбурлайдиган, ёдлаб олинган қоида ва одатлардан юқорироқ тушунча ҳисобланади. Жамоат, деб номланадиган бинога кириб, керакли пайтда тиз чўкиб, ҳамма турганида туриб, ёдлаб олинган жумлаларни қайтариш ёки Каломдан белгиланган матнларни овоз чиқариб ўқиши –

буларнинг ҳаммаси ҳақиқий сажданинг бир қисми бўлиши мумкин, агар у ҳам юрақдан чиқаётган бўлса. Мабодо, сўзлар ёдлаб олиниб ва механик равишда такрорланса, ҳаракатлар эса одат бўйича амалга оширилса, бу расмий маросимга киради.

Худованд яхшанба қунлари жамоатда пайдо бўлиб туришимиз, у ерда бир қанча вақт ўтказиб, уйга кетишимиз ва янаги якшанбагача, У ҳақида заррача ҳам эсламай юришимизга қониқмайди. Юракларимиз Худога қаратилган бўлиши лозим, аксинча бўлса, бу ҳақиқий мақтов ва саждага кирмайди. Ҳақиқий сажда – бу қандайдир сўзларни расмий равищда айтиш эмас, балки Худога юз тутган юракнинг ҳолати. Ҳақиқий саждакорлар – бу юрагидаги нарсаларни намоён қиласиган кишилар ҳисобланади.

Исо Машиҳ: «Эй, иккюзламачилар! Ишаъё сизлар ҳақингизда яхши башорат қилган эди: «Бу халқ Менга оғизлари билан яқинлашади ва Мени тили билан ҳурмат қиласиди, лекин унинг юраги Мендан узоқдир» (Матто 15:7-9). Бизнинг саждаларимиз беҳуда эмас, зеро улар ҳар сафар тирик ва ҳақиқий бўлишини, юрагимиз унда бевосида иштирок этишини истаймиз.

Миннатдорлик

Асл миннатдорлик – Худованд биз учун амалга оширган, ошираётган ва оширадиган барча ишларига жавобимиздир. Бу шунчаки раҳмат айтиб ўтиш эмас, балки иқрор бўлишдир. У табиатимизнинг ажralmas қисмига айланиши ва пок дилдан чиқиши лозим. Миннатдорлик, Худовандга ёқиш ёки Ундан яна нимадир сўраш мақсадида, қуннинг охирида Унга ташаккур билдириб қўйиш эмас. Миннатдорлик, Худованд ҳаётимизда кундан кун амалга ошираётган ишлари учун шукр қилишни назарда тутади. Миннатдорлик нафас олишдек, табиий бўлиши керак. Уни оддий сўзлар билан ифодалаш мумкин, жумладан: «Раббим, бугун уйқуга тўйиб уйғонганим учун, раҳмат Сенга», «Художон, тишимни оғриқсиз даволатганим учун, Сенга шукр», «Отажон, бугун тўғри қарор қабул қилишимдаги кўмагинг учун, руҳмат», «Раббий, доимий далданг учун, шукр». Худованд доимо эзгу, содик ва ғамхўрдир. У хурсандчилик билан бизни марҳаматлайди ва бизнинг қизиқишлиаримиз учун қайғуради. Эзгу ишлар орқали бизга намоён этган севгисини ўзимизга эслатиб туришимиз учун барча нарсаларда

миннатдорлигимизни кўрсатишимиз ҳамда Унга юрагимизда ва сўзларимизда шукр айтишимиз лозим.

Каломда миннатдор бўлишимизнинг сабаблари ва бу миннатдорликни қандай ифодалаш ҳақида насиҳатлар келтирилган. Мана, улардан айримлари:

- «Сени шарафлаймиз, ё, Худо! Сени шарафлаймиз, чунки Сенинг исминг яқиндир, Сенинг мўъжизаларинг эълон қилинади» (Сано 74:2).
- «Қандай яхшидир Раббийга шукр қилмоқ, Сенинг исмингни куйламоқ, ё Сарвари Конот» (Сано 91:2).
- «Унинг олдига шукроналар билан келамиз, Унга қўшиқларда ҳайқирамиз» (Сано 94:2).
- «Унинг дарвозаларига миннатдорчилик билан, ҳовлиларига мақтov билан киринглар. Унга шукроналар айтинглар, Унинг исмини дуо қилинглар» (Сано 99:4).

Худонинг иродасини бажаринг

Кўп йиллик хизматда ўтказган йилларим давомида, шундай хулосага келдим, аксарият имонлилар ҳаётида, оиласида, мансабида, хиз-

матида ва бошқа соҳаларда Худонинг иродасини билишга интиладилар. Кимдир, Худонинг иродасини ақл бовар қилмас сир, деб билади ва шундай дейди: «Агарда, Худонинг иродасини билсам эди, унга бўйсунган бўлар эдим», «Худонинг иродасини бажаришни истайман, аммо Унинг иродаси нимада эканини билмайман».

Ҳеч курса, сизларга Худонинг иродасини қисман очишими учун имкон беринг. Сизнинг, бошқа шаҳарга кўчиб ўтишингиз, болаларингизни у ёки бу мактабга беришингиз, Унинг иродаси, деб айта олмайман. Бироқ, сизга Худонинг иродасини таниб-билиш ва уни бажаришнинг йўлларидан бирини айта оламан: ҳамма нарса учун шукронга айтинг. Ҳаётингизда нима содир бўлмасин, қайси вазиятга тушманг, Ундан доимо миннатдор бўлинг. Ниму учун, сиз шундай йўл тутсангиз, Худонинг иродасини бажаришингизга аминман? Ҳолбуки, Салоникаликларга биринчи мактуб 5:18 да ёзилган: «Ҳар қандай шароитда Худога миннатдорчилик билдиринглар, чунки Исо Масихда бўлганингиз учун сизлар ҳақингизда Худонинг иродаси шундайдир».

Эътибор беринг, бу жойда «ҳамма нарса учун» эмас, балки «ҳар қандай шароитда», деб айтилган. Айтайлик, музлатгичингизни очиб,

уни ишламаётганини кўрдингиз. Жуда кулгули бўлада, агар шундай десангиз: «Раббий, музлатгичим бузилиб, сутларим ачиб кетгани учун, раҳмат Сенга. Бузуқ музлатгич – бу ҳақиқий барака!» Бу бемаъни эштилиди. Бундай вазиятда миннатдор бўлиш дегани, бу музлатгичингизни ўзи борлиги, тузатса, яна ишлаб кетиши учун шукр қилиш ва нолимай, уни тузатишни ўйлашни бошлишни билдиради. Ҳар қандай шароитда шукр қилиш – бу Худонинг иродасини бажариш дейилади.

Миннатдор бўлиш – Худованд сизга тақдим этган барча эзгуликларни: соғлик, озодлик, машинага ўтириб, керакли жойга бориш имкони, ёнимиздаги бизни қўллаб-қувватлаётган, кўмаклашаётган, биз билан хурсанд бўлиб, бизни фош қилаётган, доно маслаҳатлар берадиган, охир-оқибат, биз вақтимизни бирга ўtkизишни ёқтирадиган одамларни унутмаслик хисобланади.

Биз Дэйв билан хизмат ишлари юзасидан бирор жойга боришга чоғлансанак, одатда бизга бир ёш аёл ҳамроҳ бўлиб боради. Бизга ёрдам бериш, бу ўзининг хизмати, деб билади. Биз йўлга кўп вақт сарфлаймиз, шунинг учун мен ҳамма керак бўлиб қолиши мумкин бўлган нар-

саларни ўзим билан оламан. Бу аёл белгиланган жойга, биздан бир неча соат олдин боради, алоҳида кетган юк машинамиздаги нарсаларни жойлаштиради ва биз ўзимизни қулай ҳис этишимиз учун, меҳмонхонадаги бизнинг хонамизни тайёрлаб қўяди. Биз у жойга келганимизда нарсаларимиз бизнинг таъбимизга кўра жойлаб ва жавонларга тахлаб қўйилган бўлади.

Сиз сафарда кам юрсангиз, бу қанчалик катта қувонч ва ёрдамлигини тушунишингиз қийин. Тасаввур этиб кўринг, айтайлик, танишингиз ҳар хафта сизникига келиб, уйларингизни тартибга солиб, вазага янги узилган гулларни келтириб, сизга керакли нарсалар учун ғамхўрлик қилиб турса, қандай ажойиб бўлар эди. Кўп йўлда юрадиган одамлар, бу аёлнинг кўмаги учун қанчалик хурсандлигимизни тушунади. Мен уша аёл учун жуда миннатдорман. Яқинда, уша аёлнинг ҳаётимизни анча енгиллаштираётган кўмагини ўйлаб, юрагим мамнунлик билан тўлди. Мен Унга: «Художон, бизга ёрдам беряётган одамлар учун, раҳмат Сенга. Бу одамларни жамоамизнинг бир қисмига айлантириб, Сен бизга жуда катта мадад бердинг. Сен ҳамма нарсани ажойиб тарзда уюштирганинг учун, ташаккур», дедим.

Биз тез-тез шунга ўхшаш қисқа ибодатлардан фойдаланиб, Худованд ҳаётимизга олиб келган одамлар учун миннатдор бўлсак, арзиди. Унинг инъомларини ўз-ўзидан келиб қолган, деб ҳисобламаслик лозим. Биз доим Унинг ғамхўрлиги учун шукrona билдиришимиз зарур. Кун давомида, нима билан шуғулланишимиздан қатъий назар, юрагимизни миннатдорлик тўлдириб туриши керак.

Шикоятларингизни эшик ортида қолдиринг

И. М. Баундс дейди: «миннатдорлик ва шукроналиқ, Худовандинг ишларидан норозилик ва оғир ҳаётимиздан ва бошқа нарсалардан нолишнинг тескарисидир. Ҳақиқий ибодат ҳасратларни оstonанинг нариги томонида қолдиди ва шукrona билдиришга диққатини қаратади». Илгари, менга ўз ҳаётимдан нолиш қийин эмас эди. Назаримда, ҳамма нарсага шундай муносабатта эга бўлиб тугилгандек эдим. Ҳаётдан мамнун бўлиб яшашни ўрганиш учун анча меҳнат қилишимга тўғри келди. Каломдан, Худога биздан ҳар доим арзларни эшитиш ёқмаслигини ва улар шайтонга ҳаётимизни

бўзиши учун имкон беришини билиб олдим. Шукроналик, Худованд бизни марҳаматлаши учун замин яратади, шикоятлар эса шайтонга бизни лаънатлаши учун имкон беради.

Юрагимиз мақтов, сажда ва миннатдорлик билан тўлган бўлса, шунда арз, норозилик ва умидсизликка жой қолмайди. Филиппииларга мактуб 2:14 да айтилган: «Ҳамма нарсани нолимай ва шубҳаланмай қилинглар». Коринфликларга биринчи мактуб 10:9-10 да эса шундай дейилган: «Улардан баъзилари Худони васваса қилганларидаи, Масихни ҳам васваса қилмайлик (Унинг сабрини синамайлик, унга тўсиқ бўлмайлик, Унга танқид билдиримайлик, Унинг эзгуликларини суистеъмол қилмайлик), чунки улар илонлардан ҳалок бўлдилар. Улардан баъзилари нолиганларидаи, нолиманглар, чунки улар қирғин қилувчи (ўлим) дан ҳалок бўлдилар».

Ибодатнинг калити

Миннатдорлик ва мақтов, саждадек – ибодатнинг муҳим таркибий қисми, чунки Худо унга доимо жавоб қайтаради. Миннатдорлик Унга завқ-шавқ бағишлайди, Унинг юрагини илитади. Ҳар сафар Худони нима биландир қу-

вонтирганимизда, У билан муносабатларимиз яқин ва теран тус олади, ибодатларимизнинг маҳсулдорлиги эса кўринарли даражада ўсиб боради.

Шукроналаримиз, Худо бизларни янада кўпроқ марҳаматлаши учун имкон беради. Биз борига шуқр демасак, нима учун, У бизга яна нимадир бериши керак? Яна нолишимиз учунми? Аксинча, камини ҳам, кўпини ҳам қадрлаб, Унга ҳаммаси учун шуқр айтсак, У бизга бажонидил яна кўпроқ ҳадялар беради. Филиппиликларга мактуб 4:6 да айтилган: «Ҳеч нарса ҳақида ташвиш қилманглар, лекин ибодат, илтижо ва миннатдорчилик билан ҳамма нарсада ўз истакларингизни (аниқ илтимосларни) Худога билдиринглар». Миннатдорлик ҳар битта сўраётган илтимосимизнинг боши ва ҳамрохи бўлиши зарур. Илтимосимизни айтиб бўлгач, У бизни эшитгани ва ибодатимизга жавоб бериши учун раҳмат айтишимиз керак. Миннатдорлик ибодатнинг бир қисми бўлиши лозим. Ҳар қандай ибодатни миннатдорлик билан бошланг.

Фикрларингизни ва сўзларингизни текшириб кўриб, Худога қанчалик миннатдорлигинизни ва буни ҳар, қанча вақтда амалга ошири-

шингизни аниқлаб олинг. Балки, сиз нолишга ва шикоятланишга ўрганиб қолгандирсиз. Ёки сиз, чиндан ҳам ҳаммаси учун миннатдормисиз? Лоақал бир кун нолимай яшаб кўринг. Менга Гийон мадамнинг «Ҳатто, бир марта хўрсиши ҳам, ҳаётимииздан норозилигимизни айтиб туради», деган сўзлари ёқади. Ҳар қандай шароитда миннатдор бўлинг, шунда Худованд билан муносабатларингиз анча яқинроқ бўлганини ва Унинг баракалари олдингидан янада кўпайганини пайқайсиз.

Қисқа хулосалар

Мақтов, сажда ва миннатдорлик – бу оддий ибодатлар, аммо ақлга сифмас руҳий қудратга эга. Худони улуғлаганда, Унга сажда қиласганда ва миннатдорлик билдирганда, биз Унга гапирган бўламиз, У билан суҳбат эса – ибодат ҳисобланади.

Мақтов, сажда ва миннатдорлик ибодатларимизни маҳсулдорлигини оширади, холбуки бу пайтда, биз ўзимизга эмас, Худога диққатимизни қаратамиз. Уни шарафлаш ва шукрон айтиш учун жамоат йиғинини қутиш шарт эмас – биз буни кундалик ҳаётимиизнинг бир қисмига айлантиришимиз мумкин.

Ибодатга оид маслаҳатлар

- *Мақтov, сажда ва миннатдорлик – Xудованд билан мұлоқот воситаси бўлиб, улар ибодатнинг турларига киради.*
- *Қисқача таъриф берадиган бўлсак, мақтov – бу Xудованд ҳаётимизда амалга оширган, ошираётган ва оширадиган ишларга бўлган жавомиз. Сажда – бу Унинг қандайлигига нисбатан жавобимиз. Миннатдорлик – бу Xудованднинг сифатлари ва эзгуликлари учун шукроналик юрагига эга бўлиши ҳисобланади.*
- *Мақтov руҳий дунёда кучга эга ҳамда руҳий қуроллардан бири бўлиб, у орқали доимо галаба қозонишимиш мумкин.*
- *Сажда қила туриб, биз Xудога юрагимиздаги сирли туйғуни очамиш, Унга нисбатан чуқур яқинликни, меҳр-муҳабbat ва миннатдорликни ифодалаيمиз.*
- *Сажда – бу шунчаки қўшиқ қуйлашдан кўра каттароқ тушунча. Бу юрагимизнинг ҳолати.*
- *Норозилик, шикоят, жовораш ва жаҳланишлар хавфлидир, чунки улар шайтонга эшикларни очади ва ҳаётимизга таъсир*

ўтказишига замин яратади. Мақтөв эса шу эшикларни ёпиб түришига қодир.

- Раббий ҳар доим, биз учун ажойиб нарсаларни амалга оширади ва садоқат күрсатади. Биз миннатдор инсонлар бўлишишимиз ва ҳар қандай шароитда шукр қилишишимиз лозим.

ИККИНЧИ БОБ

Бағишиланиш ва умидворлик ибодатлари

Эфесликларга мактуб 6:18 да «ҳар доим (ҳар қандай шароитда) барча ибодат ва илтижолар билан Руҳда» ибодат қилишимиз айтилган. Келинг, барча ибодатлар, деганда нимани назарда тутганига ойдинлик киритамиз.

Мақтов, сажда ва миннатдорлик – бу ибодатларни ҳар куни ва маҳсус пайтларда қўллашимиз мумкин. Улар шайтонга қарши самарали қуроллар хисобланади, шунингдек, улар ўзимизни руҳда енгил ва эркин ҳис этишимизга ёрдам беради, тушкунлик, маъюслик ва норозиликдан қутқаради. Бирок, шундай вазиятлар бўладики, улар учун ибодатнинг бошқа турларидан фойдаланиш керак, шунинг учун Худонинг ҳаракатланишига эркинлик яратадиган бағишиланиш ва умидворлик ибодатлари тўғрисида гап юритамиз. Бундай ибодатларда Худога ўзимизни топширамиз (бағишиланиш ибодати) ёки Унга барча ташвишларимизни юклаймиз (умидворлик ибодати).

Багишланиш ибодати

Менга ҳар эрталаб, Сано 24:1 да келтирилган бағишланиш ибодатини қилиш ёқади: «Раббий, ҳаётимни Сенга тақдим этаман...» Бу сўзлар, бағишланиш нима эканини тушунтираяпти – бу Раббийга ихтиёрий равиша бўйсуниш ва Унга боғлиқлигимизни тан олиш. Бағишланиш ибодатида Худога шундай деймиз: «Художон, ўзимни Сенга топшираман.Faқат қурбонликларимни эмас, балки бутун борлигимни. Faқат якшанба куни икки соат эмас, балки бутун борлигимни. Кунимнинг бир қисмини эмас, бутун борлигимни. Раббий, ҳаётимни Сенга топшираман. Мен уни қурбонгоҳга қўяман. Мени ўзинг хоҳлагандек қилиб, ўзгартир. Мен орқали сўзлагин. Мен орқали бошқаларни баракала. Қадамларимни бошқар. Мен орқали дунёни ўзгартир. Менга берилган барча қобилият ва истеъододларимни Сенга бағишлайман. Мен буларнинг эгаси эмасман, мен шунчаки қулингман. Мен фойдаланишим учун нимага рухсат берган бўлсанг, уларнинг ҳаммаси Сенга тегишли. Агарда, Сен уларни мендан олишни истасанг, Сенга шу онда қайтариб бераман». «Ҳаётимни Сенга тақдим

этаман...», деганда, айнан шу нарсани назарда тутамиз. Бу бағишиланишдир.

Худонинг мақсадлари учун ниманидир ажратиш, бағишиланишни билдиради. Яъни ҳаётимизни Худога бағишилаймиз, дунёвий қадриятлардан, нотўғри тафаккурдан, тартибсиз ҳаёт тарзидан, ёмон одатлардан – Худонинг Сўзига мос келмайдиган барча нарсалардан возкечамиз. Ўзимизни Худонинг ихтиёрига тўлиқ топшириш учун онгли равища, ҳар қандай гуноҳдан четлашамиз. И. М. Баундс бағишиланишга қуидагича таъриф бераяпти: «Бу ўзимизни ўз хоҳишимиз билан Худога топшириш, заррача иккиланишсиз, англаган ҳолда тақдим этишдир. Худо учун, бизга тегишли бўлган ва қўлга киритишни истаган барча нарсаларимиздан, ўзимизни ажратишдир». Бағишиланиш – қўлимииздан келадиган энг осон иш эмас, аммо у нимадандир кечишга арзийди.

Ўзимизни Худога бағишилаб, биз нафақат кучли томонларимизни ва қобилияtlаримизни, худди шундай, заифлик ва камчиликларимизни ҳам Унинг ихтиёрига топширамиз. Худованд заифликларимиз орқали, Ўзини янада яққолроқ намоён қиласди, шундай экан, Ундан уларни яширишнинг ҳожати йўқ. У биз ҳақи-

мизда мутлақо ҳамма нарсани билади ва бизни шартсиз севги билан севади. Ундан ўз камчиликларингизни яширманг. Ўзингизни тўла-тўкис қурбонлик сифатида Унга топши-ринг ва натижада, қандай эркинликни қўлга киритганингиздан ҳайратда қоласиз.

Бағишланиш жиддий муносабатни талаб этади

Бағишланиш ҳақида гапиришни давом эттиришдан аввал, ҳаётингизни Худо учун ажра-тишга қанчалик масъулият билан ёндошиш кераклигини англашда ёрдам бермоқчиман. Бағишланиш ибодати – жуда муҳим ибодат бўлиб, унга жиддий ёндошсангиз, жиддий на-тижаларни кўрасиз. Агарда, Худога: «Мендаги бор нарсани ол, ҳаётимни Ўзинг истагандек, қилиб ўзгартир», десангиз, У шу заҳоти ишга тушади. Ҳар биримизни ҳаётимизда муаммоли соҳалар бор. Бағишланиш ибодатидан сўнг, У бу соҳалар учун ғамхўрликни Ўз бўйнига ола-ди. Унинг ниятлари амалга ошишида биз ҳам иштирок этишни истасак, У бизни ўзгартири-ши, бунинг учун эса, У бизда эркин ҳаракатла-нишига тўлиқ имкон беришимиз керак.

Бағишиланиш ибодати – Худо бизни ўзгартириши ва поклашини сўрашни ҳам назарда туради. Худованд биздан Ўз мақсадларини амалга оширишда фойдаланишдан олдин, Унинг юқори талабларига жавоб бермайдиган томонларимиз: нопок фикрлар, нотӯғри муносабатлар, ёмон одатлардан тозалайди. Ҳаммамиз, оғзидан чиқаётган сўзларга эътибор бермайдиган кишиларни учратганмиз. Авваллари, ўзим ҳам шундай эдим. Бундай одамлар чин дилдан бағишиланиш ибодатини айтсалар, Худованд, уларга тилини бошқаришни ўргатади. Улар, бундан кейин, олдин уялмай гапирган сўзларини, осонликча айта олмайдилар. Улар айтиаётган сўзларига жуда яхши эътибор берадиган, гапларини танлаб гапирадиган бўладилар. Кимнидир бошқа соҳада муаммоси бор. У бизни Ўзининг иродасини бажаришга тайёrlаш учун бу муаммолардан фориғ этади.

Вазиятни ўнглашнинг йўлларидан бири – бизни, атрофимиздаги айрим одамлардан четлаштириш. Мисол учун, Худодан кўра кўпроқ суюнадиган одамларимиздан. Фақат Унга суюнишга ва Унга тегишли бўлишга ўрганишимиз учун, бизларни улардан узоқлаштиради. Ёки бўлмаса, биз юқори мансабормиз ва бу ман-

саб биз учун катта умид ва таянч. Бундай вазиятда ҳам, Худованд аралашади ва фақат Уни таянч, деб ҳисоблашни ўргатади. Уни хоҳиши, токи биз ўзимизнинг ҳаётдаги ўрнимизни унвон ва ваколатлар билан ўлчамайлик, балки Унинг бизга бўлган севгиси билан ўлчайлик. Ҳаётимизда Худони биринчи ўринга қўйишга халақит берадиган нарсалар бўлса, У албатта, уларни олиб ташлайди.

Яхши дўстларга ва юқори мансабга эга бўлишнинг ёмон жойи йўқ. Худованд бизда у ҳам, бу ҳам бўлишига қарши эмас, У биз бу нарсаларга таянишимизга қарши. Бу дунёда ҳеч нарса турғун эмас, бир дақиқада, одатий нарсалар ўз кучини йўқотиши мумкин. Худованд фақат ўзгармас. У биз Унга тўлиқ умид қилишимизни истайди. Шунда, вазиятлар биз кутганимиздан бошқача юз берган тақдирда ҳам, кўнглимиз чўкмайди.

Олдин менинг бир нечта дўстларим бор эди. Улар мен учун катта аҳамиятга эга эдилар. Улар доим менга содик қолишига ва ёмонлик қилмаслигига ишончим комил эди. Мен жамоатда маҳсус лавозимга эга эдим, Руҳий таълим мактабида дарс берар ва ҳар куни Каломнинг таълимотлари бўйича семинарлар ўтказар

Эдим. Жамоатнинг ҳаётида кўринарли рол ўйнар ва унинг ҳамма соҳаларида фаол қатнашар эдим. Мен яхши дўстларга, лавозимга эга бўлиб, ўзимни бехавотир ҳис этар эдим. То уларни йўқотмагунимча, уларга ҳаддан зиёд кўп суняганимни, ҳаётдаги ўрним ва қадримни улар билан боғлаганимни тушунмаган эканман.

Дўстларим мен кутмаган нарсани қилишди. Улар мени ноҳақдан айблаб, менга тескари қараб олдилар. Тахминан, ўша пайт, Раббий менга жамоатдаги лавозимни қолдиришим кераклигини ҳам айтиб қолди. Мен бутунлай ҳамма нарсани йўқотдим, деб ўйладим. Нега бу нарсалар содир бўлганини ва энди қандай йўл тутишни билмай қолдим. Аммо Худованд буларнинг ҳаммаси, менинг бағишланиш ибодатларимнинг жавобини бир қисми эканини билдириди. Худодан, мени тўлиқ қўлига олишини сўраб, ҳаётимни Унга топширган, лекин бу нимага олиб келишини фараз ҳам этмаган эдим. Худованд Ўз йўлларида тўсиқни кўрган ва уни олиб ташлашни истаган. Бошида ўзимни ёлғиз ва хўрланган ҳис этдим. Аммо, вақт ўтиши билан тушуниб етдимки, менинг ҳаётдаги ўрним ва қадрим шу пайтгача дўстларим ҳамда лавозимимга боғлиқ бўлган

экан. Шунинг учун, Худованд улардан озод этиб, менга катта ёрдам берди.

Бағишилов ибодатини айта туриб, Худонинг олови ҳаётингизни тозалашига тайёр туринг. Бағишиланиш жараёни осон ва оғриқсиз бўлмайди, шу билан бирга, улар яхшиликка юз тулади ва бениҳоя катта баракаларга олиб келади.

Тўлиқ бағишиланиш

Масиҳийлар ўзларини Худога тўлиқ тақдим этиб, ҳаётини бутунлигича Унинг қўлига топширганида, душманга хавф солишни бошлийдилар. Худога ўзимизни тўлиқ бағишиласак, шунда У ҳаётимизнинг ҳар битта соҳасида иштирок эта олади.

Агар қароримиз жиддий бўлса ва Худованд биз орқали ҳаракатланишини истасак, унда ўзимиздан қуидагича сўрашимиз лозим: Худодан яшираётган бирор сирим борми? Юрагимизда Худо кириб келишини истамайдиган жойлари мавжудми? Ҳаётимда воз кеча олмайдиган нарсаларчи? Худога ўзини бағишилаш: «Раббий, мен энди ҳар куни Калом ўқийман, мантларни ёдлайман, кунига бир неча соатлаб ибодатда тураман, мени фақат ўзим хўш кўрадиган гуноҳимдан ажратмасанг бўлди», дейиш

эмас. Тўлиқ бағишиланиш, ўзимизни қолдиқсиз Унга топширишдир. Худованд биз ёқтирган ҳамма нарсамизни олиб қўяди, демаяпман. Албатта, У бундай қилмайди, лекин биздаги ҳамма нарса Унга тегишли бўлишини истайди. У бизга айнан нима фойдали, нима фойдасиз эканини аниқлайди. Бизнинг вазифамиз эса – Унга бутунлай ишониш.

Худонинг асосий мақсади – бизни Исо Масихга ўхшаш қилиш. Римликларга мактуб 8:29 да, «Унинг Ўғлининг тимсолига ўхшаш бўлишимиз»ни белгилаганлиги ҳақида ёзилган. У фикрларимизда, сўзларимизда, ҳаракатларимизда, атрофдагилар билан муносабатларимизда тобора Исо Масихга ўхшаш бўлиб боришимизни истайди. Бир лаҳзада Исо Масихдек бўлиб қолиш, имконсиз. Бунинг учун бағишиланиш жараёнидан ўтиш зарур. Бунинг оқибатида, биз барча жоний, танавий, руҳий бўлмаган хоҳишларимиз ва мойилликларимиздан фориғ бўламиз.

Биродарлар, Худонинг шафқати билан сизлардан ўтинаманки, Худога идрокли хизмат қилишингиз учун... бағишиланглар» (Римликларга 12:1). Худога ҳаётимизни ихтиёрий равища тақдим қилишимиз лозим. У бизга эркин иро-да берди. Унинг шахсий кишилари бўлишнинг

ягона йўли – ўз хоҳишимиз билан Унга ўзимизни топшириш. У ҳеч қачон, Уни севишга ёки Унга хизмат қилишга мажбурламайди. У ҳар доим бизни бошқаришга, йўналтиришга ва бизга ўргатишга тайёр, бироқ Унга бўйсуниш ёки бўйсунмаслик – бизнинг қўлимизда. У бизларни роботлар эмас, эркин одамлар қилиб яратди. У бизни программалаштирмади, балки бизга танлов хуқуқини берди. У ҳар куни ўзимиз истаб, ҳаётимизни қурбонгоҳга олиб келишимизни ҳамда: «Художон, менинг эмас, лекин Сенинг ироданг амалга ошсин», дейишимизни хоҳлайди. Агар, биз чин юракдан шундай десак, бунинг натижаси ғайриоддий бўлади. Бу Худо биздан кутаётган оддий ва қисқа ибодатdir. Борди-ю, У ҳаётингиздаги, қайси-дир муаммони кўрсатган бўлса, зудлик билан уни Худонинг қўлига топширинг. Бу ишни кейинга қолдирманг, ахир, яхши ниятлар ҳам, итоат билан teng кела олмайди.

Танангизни Худога тақдим этинг

Юқоридаги оятнинг давомида, Павел бизни чорляяпти: «...аъзои баданларингизни (танангиз ва ўз қобилияtlарингизни) Худога бағишланглар». Модомики, танамизни Худога

топширган эканмиз, унда куни билан диванда ётиб, буғирсоқ еб, сериал кўриб ўтириб, кеин, шу тарзда ўзимизни бағишлидик, дея олмаймиз. Худога ҳаётимизни бағишлиаш – ҳар эрталаб Калом ўқиши, У билан мулоқот учун вақт ажратиш, Унинг амрлари пайида бўлишни билдиради. Танамизга, Раббийга хизмат қилиш воситаси, Унинг қўлидаги асбоб, деб қарасак, унда танамизга беписанд бўлмаймиз, носоғлом овқатларни истеъмол қилмаймиз ёки уни зарур ҳордикдан маҳрум этмаймиз. Биз ахлоқ доирасида кийинамиз, модага қараб, дид билан кийиниш мумкин, лекин бошқаларнинг жигига тегадиган тарзда эмас. Биз Худонинг вакилларимиз, бу дунёга тегишли эмасмиз. Римликларга мактуб 12:1 да ёзилганидек, «танамизни ва ўз қобилиятларимизни» ихтиёрий равища Худога тақдим этишимиз лозим. Бошқача қилиб айтганда, Худо Ўзининг хоҳиши бўйича бизнинг ҳаётимизни бошқаришини таклиф қиласмиз.

Инсоннинг онги – шайтоннинг жондан севар жанг майдони. У бизга кун давомида хавфли фикрлар билан ҳужум қилиши мумкин. Аксарият ҳолларда, бу биз осонликча ишонишимиз учун, яхшилаб ниқобланган ёлғон бўлади.

У бизни алдайди, айблайди, биздан қувонч ва тинчликни ўғирлаш мақсадида, турли хил йўлларни ўйлаб топади ҳамда ўзимизни нолойик ва кераксиз ҳис этишга мажбуrlайди. Бизнинг онгимизни, бошқалар тўғрисидаги нопок фикрлар билан тўлдиради. Биз унга буларнинг барчасини юборишини таъқиқлай олмаймиз, бироқ уларни қабул қиласлиқ, қарши туриш ва унга қарши ҳужумга ўтишга қобилиятлимиз. Шайтон учун Худонинг фарзандларига ҳужм қилиш – бу унинг ҳаёт тарзи ва мақсади, бизнинг ҳаёт тарзимиз эса ибодат бўлиши керак. Очигини айтсам, мен фақат юзимга бўёқ сўртгунимча, ўнлаб заرارли фикрларни ўзимдан улоқтиришимга тўғри келади. Худога шукрки, бу нарса қўлимдан келади. Шайтон, кимдир ҳақида нотўғри фикрларни берганида, унинг зарбасига энг яхши жавоб – ўша одам учун ибодат қилиш керак. Онгимизни тўғри фикрлар билан тўлдирсак, у ерда нопок фикрлар учун жой қолмайди.

Шайтоннинг ёлғонини қандай даф этиш мумкин? Исо Масихдан ўrnak олиб, ҳар сафар «Ёзилган...», дейиш лозим, шундан сўнг, Каломдаги шайтоннинг – ёлғончилигини очиб берадиган ояларни овоз чиқариб айтиш ло-

зим. Мабодо, у бирор ҳақида ёлғонни сингдиришга уринаётган бўлса, шундай сўзлар билан уни қайтаринг: «Каломда, севги ҳамма нарсага ишонади ва яхшиланишига умид қиласди. Мен севгида яшайман, севги эса инсонни фақат яхши томонларига ишонади. Ўша инсон шундай иш қилганига исботим йўқ, шунинг учун бу ҳақидаги фикрларга ишонишдан воз кечаман». Худонинг Каломи шайтоннинг ҳужумларини енгиш учун куч беради. Жумладан, у менинг келажагим ғира-ширалигига ишонтиришга уринса, мен Иеремия 29:11 даги, Худо мен учун фақат яхши мақсадларга эга экани ҳақидаги оятни келтираман. Муқаддас Китобни яхши билиш кераклигининг сабабларидан бири – биз унинг ёрдамида шайтонни енга олишимиз. Бу бизнинг қуролимиз ва биз ундан моҳирона фойдалана олишимиз зарур.

Раббийга «танамиз ва ўз қобилиятларимиз» ни бағишлиаш, биздаги барча истеъодод, маҳорат ва қобилиятларимизни Унинг ихтиёрига топширишдир. Кўпчилик, иш жойида ўз қобилиятларидан фойдаланади. Касбимиз билан боғлиқ бўлган ҳамма нарса: обрўимиз, вақтни бошқара олишимиз, корхонанинг манбаларидан фойдалана олишимиз, ҳамкасларга

бўлган муносабатимиз – Худони улуғлаши лозим. Нима билан шуғулланишимиздан қатъий назар, ҳамма нарсани бошлиғимиз учун эмас, Раббий учун, деб қилишимиз керак. Ҳар куни тўғри йўл тутишга ва яхшироқ натижаларга эришишга тиришишимиз зарур.

Инсон иш жойида қўп вақтини интернетда ўтказса, у ишчи вақтини ўғирлаган бўлади. Бу кассадан пул ўғирлаш билан баробар. Иш беरувчи билан белгиланган соат учун, белгиланган тўлов олишга келишгандан сўнг, уни бажаришга мажбурмиз. Иш вақтида, бизнинг вазифамизга кирмайдиган нарсалар билан шуғулланиш, доим ишдан тезроқ кетишни ўйлаш, ҳеч ким кўрмаяпти, деб пала-партиш ишлаш яхши эмас. Раббий бизни қузатиб турибди. «Нимаики қилсангизлар барчасини инсонлар учун эмас, балки Раббий учун қилаётгандек, бутун қалбингиз билан қилинглар. Зеро биласизларки, сизлар мукофот сифатида Раббийдан мерос оласизлар» (Колосаликларга 3:23).

Худога қувонч олиб келинг

Инсон Худога маъқул бўлишга интилса – бу ҳаётини Унга бағищлаганидан дарак; бу Унга «Мен Сенга тегишлиман», деб айтишнинг йўл-

ларидан бири. Сиз ўзингизга тегишли эмассиз: «Таналарингиз – сизлар Худодан олган ва ичингизда бўлган Муқаддас Рухнинг маъбади эканлигини билмайсизларми? Энди сизлар ўзингизники эмассизлар. Чунки сизлар қимматбаҳо нарх билан сотиб олингансизлар. Шунинг учун Худоники бўлган танангиз ва руҳингизда Худони улуғланглар» (1 Коринфликлар 6:19-20).

Биз Исо Масихнинг қони билан сотиб олинганимиз. Худованд бизни, Унга тегишли бўлишимиз учун сотиб олди. Ўзимизни Унга бағишлаб, Унинг манфаати учун кўнгилли тарзда ўз хукуқларимиздан воз кечамиз. Бу ерда Худованд бизнинг хоҳишларимизни бажариши ва бизни баҳтли этиши учун яшамаяпмиз. Аксинча, Унга хизмат қилиш, қувонч олиб келиш ва Унинг иродасини бажариш – бизнинг вазифамиз. Худодан берилган даъватимизни бажаришдан бўлак, бошқа бирор нарса мени баҳтироқ этишини тасаввур қилишим қийин.

Айрим кишилар, уларни кимдир баҳтли этишига ишонмайдилар, шунинг учун, улар фақат ўзларига ишонадилар. Улар, ўзим ҳақимда ғамхўрлик қилмасам, менга бирор ғамхўрлик қилмайди, деб ҳисоблайдилар. Бироқ Худованд биз учун ғамхўр ва ҳаётдан завқла-

нишимиз учун ҳамма нарса беришни истайди. Бунинг учун Унга: «Художон, мен ўзимни хоҳишларимни бажаришни истамайман. Сени иродангнинг пайида бўлишни ва Сен учун умр кечиришни истайман. Сен мен учун ғамхўрсан ва мени баҳтли эта оласан», деб айтишимиз керак.

Биз Дэйв билан ҳаётимизни Раббийга бағишладик. Биз бир куни шу қарорга келдик ва бу бутун умримизга йўналиш берди. Биз Унга тўлиқ тегишли бўлишни истаймиз. Биз жонжахд билан меҳнатдамиз, кўп вақтимизни хизмат ишлари билан ўтказамиз, бошқаларга ёрдам беришга уринамиз. Биласизми нима? Худованд аъло даражада бизга ғамхўрлик кўрсатаяпти! У ҳамма эҳтиёжларимизни қондириб ва ўз кучимиз билан ҳеч қачон эришолмаган нарсаларимизни бериб келаяпти.

Дэйв гольф ўйинига қизиқади. У бир пайлар спорт лигасининг аъзоси бўлган. Шанба кунлари ўз жамоасига борган ва гольф билан боғлиқ ҳамма тадбирларда иштирок этган. Аммо, Дэйв ҳаётини Раббийга бағишилаб, ниманидир қурбонлик қилиши керак эди. У дўстлари билан гольф ўйнай олмас, чунки дам олиш кунлари шаҳардан ташқарига кетар эди.

Бу у учун ҳақиқий қурбонлик бўлди, ваҳоланки, гольф ўйини унга катта ҳузур бағишилар эди.

Йиллар ўтиб, Худованд Дэйвни мукофотлади. У дунёнинг энг сара гольф майдонларида ўйнашга сазовор бўлаяпти, боз устига, бу кўпинча текин! Бир талай мутахассислар билан ўйнаш имконияти бўлиб турибди. Баъзида, унга гольф таёғи ёки энг замонавий спорт анжомларини юбориб туришади. Унга Худонинг хизмати йўлида гольфдан воз кечиш осон кечмади, лекин у бунга ўз хоҳиши билан қарор қилди. Натижада, Раббий унга, ўз кучи билан ҳеч қачон эриша олмайдиган имкониятларни берди. Ўзимизни аямай, Исо Масихга бағишиласак, У ҳам баракаларини биздан аямайди. У ҳаётимизда кутилмаган ажойиб ишларни амалга оширади ва бизга улкан шодлик келтирадиган нарсаларни олиб келади.

Худога бағишиланиш доимо барака келтиради. Раббийга ҳаётимизни тақдим этиш – катта баҳт. Биз буни барака олиш учун қилмасакда, улар, албатта, изма-из келади. Раббийга ҳаётингизни бағишилаб, уни хурсанд қиласиз. У эса ўз навбатида сизга ғамхўрлик қиласи ва ҳаётингизни қувонч билан тўлдиради.

Сабрли бўлинг

Раббий Дэйвга яна гольф ўйнашга имкон бергунича, бир неча йил ўтди. Бағишланиш вақт талаб этади, баракалар бирданига кела-вермайди. Худованд бизни Ўзи учун ажратиб олган бўлса, биз сабрли бўлишимиз лозим. У ҳеч қачон вақтни беҳудага сарфламайди, ак-синча ҳаётимизга чукур, ҳар томонлама турғун ўзгаришлар киритиш учун, қанча вақт талаб этилса, шунча кутади. Шундай экан, жараённи тезлаштиришга уринишнинг ҳожати йўқ.

Мен кўпинча, имонлилар Худони шошилтирганини ёки ҳаётини ўзгаришида Унга «ёрдам» беришга уринганини кузатганман. Ўзим ҳам авваллари шундай йўл тутганман, бироқ бундай тиришишлар бизни фақат ҳолдан тойдиради. Худованднинг бунча ёки унча муддат белгилашини, ҳар доим ҳам тушунавермаймиз ва сабрсизликни намоён қила бошлиймиз ёки норозиликни сезамиз. Бундай пайларда мукофотга қўз тикишимиз яхшироқ бўлади: Каломда, ваъдаларни имон ва узоқ сабр-тоқат билан мерос қилиб олишимиз, айтилган (Ибронийларга 6:12). Бағишланишимиз тўлиқ бўлиши учун, У бизни покланиш жараёнидан олиб ўтиши лозим, бу эса, қанча керак бўлса, шунча вақтни талаб этади. Бироқ

натижада, сахий мукофотларга эга бўламиз, ҳаётимиз Унинг хузури ва кучи билан тўлади, биз Унинг қўлларидағи асбобга айланамиз. Бу улкан баракадир.

Умид қиласман, бағишланиш ибодатига ўта даражада жиiddий ёндошиш кераклигини энди тушундингиз. Агар бутун юрагингиз билан бу ибодатни қилсангиз, натижаси ҳафсалангизни пир этмайди.

Умидворлик ибодати

Муаммолар – ҳаётимизнинг ажралмас қисми. Бир муаммодан қутулдик, десак, бошқалари пайдо бўлиб туради. Уларга тўгри муносабатда бўлишни, сабр-тоқат намоён қилишни ва уларни муваффақиятли ечишни ўргансак ҳам, барибир улардан қочиб қутулиб бўлмайди. Агар сизда муаммолар бўлса, демак, умидворлик ибодати сиз учун керак. Бу қандай ибодат? Оддий қилиб айтганда, бу ташвишларимизни Худога юклашдир. Бу ибодатда муаммоларимизни Унга юклашни, ўзимиздан хавотир ва ташвиш юкларини иргитишини ҳамда ҳаётимизда тартиб ўрнатишини сўраймиз. Ўз кечинмаларимиз ва қийинчилекларимиз билан Унинг қаршига келишни ва уларни Унга

топширишни ўргансак, яшаш анча осонлашади, биз баҳтиёр ва бехавотир бўламиз. Бутун умр давомида эришолмаган нарсани, Худованд бир лаҳзада амалга оширишга қодир. У учун амалга ошмайдиган ва Уни эътиборини тортмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Сизни ташвишга солаётган нарсалар учун У ҳам қайғуради.

Ҳамма ташвишиларингизни Унга топширинг

Аксарият одамлар муаммоларга бир хил муносабат кўрсатадилар: муаммони ўз кучлари билан ечмоқчи бўладилар. Мабодо, ўзларининг қўлидан ҳеч нарса келмаса, дўстларига ёки шу вазиятда ёрдам бера оладиган одамларга қўнғироқ қилишни бошлайдилар. Мен кўпинча, даставвал Худонинг тахтига, ундан кейин эса, телефонга югуриш керак, деб айтиб келганман. Ҳар қандай вазиятда ибодат бизнинг биринчи хоҳишимиз бўлиши лозим.

Худованд қачон ҳаётимизни ўзгартиришни бошлайди? Фақат ўзимиз ва шахсий манфаатларимиз учун яшашни бас қилганимизда. Худованд қачон муаммоларимизни ҳал этишни бошлайди? Уларни ўзимиз уддасидан чиқишга уринишни бас қилганимизда. Худованд қачон

вазиятларни яхши томонга ўнглайди? Содир бўлаётган нарсалардан ховотирланишни бас қилганимизда. Худованд қачон бизга жавоб беради? Ҳамма нарсани ўзимиз тубига етишга тиришишни тўхтатганимизда. Сано 36:5 да ёзилган: «Йўлингни Раббийга топшириб, Унга умид қил, У эса уни амалга оширади». Ҳикматлар китоби 16:3 да эса: «Ишларингни Раббийга топшир ва фикрларинг ўз тартибини топади», деб айтилган. Бу жойдаги ишлар – ўй-фикрлар, таҳлиллар, вазиятни моҳиятига етиш ва қандай йўл тутишни англашни билдиради. Худованд, ишларимизни Унга топширсак, фикрларимизни тартибга солади. Бошқача қилиб айтганда, мулоҳазаларимиз алғов-далғов бўлмайди, ҳамма вазиятга соғлом ақл билан ёндошамиз, Худованд керакли ғояларни, ҳаракатларимизнинг режасини ва йўналишини беради. Ўзимизнинг чала режаларимиздан воз кечганимизда, У бизга Ўзининг мукаммал ғояларини таклиф этиди.

Биринчи қадам – хавотирланишни тўхтатинг, воқеаларни таҳлил қилиб чиқинг, ҳамма фикрларингизни ва ғояларингизни Раббийга топширинг. Ундан умидворлик ибодатида шундай сўрашимиз лозим: «Художон, шу му-

аммони, вазиятни ёки муносабатларни Сенинг қўлларингга бераман. Бу нарса учун ташвишланиш мажбуриятидан воз кечаман ва Сенга топшираман. Бу нарсани ечиш учун менинг кучим етмайди. Ўзим бунинг уддасидан чиқа олмайман. Хавотирланишни ва муаммонинг ечимини излашни тўхтатаман. Шу билан бирга, ўзимни ҳам Сенга топшираман, чунки ўзимни ўз кучим билан ўзгартира олмайман. Мен бошқача бўлишни истайман, лекин фақат Сен мени ўзгартиришинг мумкин». Менинг ўзгариш им – ўзимнинг эмас, Худонинг вазифаси эканни англаб етганимда, ҳаётимда катта бурилиш содир бўлди.

«Йўлимизни Раббийга топшириш» нимани билдиради? Бу ўз елкангдан жавобгарлик ва ташвиш юкларини олиб, Худога юклашни билдиради. Ҳикматлар китоби 16:3 Муқаддас Китобнинг Кенгайтирилган таржимасида шундай жаранглайди: «Ишларингни Раббийнинг зиммасига юкла (Уларни Худога ишон, Унга бер ва шунда У фикрларингни Ўз иродасига кўра саранжомлайди) ва мақсадларинг муваффақиятли бўлади». Муаммоларимизни ва онгимизни Худога топширсак, яъни ҳаммасини Унинг ғамхўрлигига ишонсак, шунда У фикр-

ларимизни Ўзининг иродасига кўра ўзгартиради. Бошқача қилиб айтсақ, Унинг фикрлари ва истаклари бизнигига айланади. Бу нарса содир бўлганида, ниятларимиз амалга ошишни бошлайди, чунки улар Худонинг иродасига тўлиқ мос келган бўлади. Муаммоларимизнинг аксарият қисми биз Худонинг иродасига қарши борганимизда ва Унинг режаларини тескарисини қилганимизда вужудга келади. Муаммоларимизни Унга топширсақ, ўзимизни баҳтиёр ва марҳаматланган ҳис этамиз.

...Уларни қайтариб олиб кетманг

Дугонангиз сизга эрталаб қимматбаҳо тақинчоқ совға қилиб, кечга: «Тақинчоқни олиб кетсан майлими? Уни бутун ўзим тақмоқчи эдим» деб айтса, нимани ҳис этган бўлар эдингиз? Бу сизга ғалати туюган бўлар эди. Фараз қилайлик, у эртаси куни раҳмат айтиб, тақинчоқни қайтариб, деди: «Бу сеники. Бир мартаға бериб турганинг учун раҳмат. Мен уни бошқа тақмайман». Сиз унга, ишондингиз. Бир неча кундан сўнг, у яна сўраб келди: «Тақинчоқни яна бир мартаға бериб тура оласанми? Мен уни бутунги учрашувга ва дам олиш кунлари бўладиган байрамга тақмоқчи эдим. Вақтим

бўлса, уни келаси ҳафта қайтариб беришга ҳаракат қиласман». Шундан сўнг, у сизга чиндан ҳам совга қилганига шубҳаланишни бошлайсиз. Муаммоларимизни Раббийга топшириб, Ундан уларни ечишини илтимос қилган бўлсак, унда муҳтожликларимиз ишончли қўлларда эканига шубҳаланмай, безовталикни тўхтатиш лозим. Албатта, бирор нарсани бажаришдан кўра уни айтиш анча осон. Биз қўпинча муаммоларимизни қайтариб олиб кетишни истаймиз. Чунки Худованд масалани ҳал этмаслигидан ёки вақтни чўзишидан қўрқишимиз, ёхуд Уайнан шундай йўл билан ҳал қилаётгани бизга ёқмаслиги мумкин. Кўпларимиз, Худога битта муаммони бир неча мартараб берамиз. Мен ҳам баъзида шундай қиласман. Худога дейман: «Раббий, шу одамни сенинг қўлларингга топшираман. Шу вазиятни Сенга бераман». Шундан сўнг ҳам, ўша одам ва унинг вазияти ҳақидаги фикрлар ҳаёлимдан кетмайди. Тўхтовсиз шу одам тўғрисида ўйлайман, хавотирланаман, шайтон эса, бу вазиятни ўз кучим билан ечишм учун янги гоялар бера бошлайди.

Қандай қилиб, муаммоларимизни Худодан қайтариб олиб кетмаслик мумкин? Сано 36:5 Муқаддас Китобнинг кенгайтирилган таржи-

масида шундай деб ёзилган: «Йўлингни Раббийга топшир (ҳар қандай юкни ва ташвишни ўзингдан ечиб, Унинг елкасига орт), Унга ишон (Унга суюн, умид қил, У ёрдам беришига амин бўл) ва У амалга оширади». Юкни ўзимиздан олиб, Худога юлаган бўлсак, энди муаммолар тўғрисида қайғуришнинг ёки унга аралашиб нинг ҳожат йўқ. Муаммоларимиз Раббийнинг қўлида, шундай экан, хавотирга ўрин йўқ. Уларни тинч қўйинг, улар ҳақида фикрларингизда қайта ва қайта ўйлайверманг. Шубҳаланманг: Худованд, Унга ишониб топширилган нарсани эплай олади.

«Ҳамма ташвишларингизни (ваҳима, хавотир, қайғуларингизни батамом) Худога ташланглар, чунки У сизлар учун ғамхўрлик қиласди» (1 Петрга 5:7). Бу ерда «батамом», дейилган. Бу Худога берган нарсамизни, қайтариб олмаслигимиз кераклигини билдиради.

Турмуш ўртоғимнинг шиорларидан бири – «Ташвишларингни Худога юкла». Никоҳимизнинг биринчи йиллари, мен ҳар қандай сабабдан хавотирга тушар эдим, у эса ҳаётдан завқланиб яшар эди. Ҳаммаси учун мен қайғуришим, у эса ҳамма нарсага осон ва оддий қарashi, мени аччиқлантирас эди. Охир оқи-

бат, менинг хавотирларим бирор яхши нарса-га олиб келмаслигини тушуниб етдим. У бош оғригини, бел ва бўйин оғригини, ошқозон билан муаммоларни чақиради, асабларимни ўйнатиб ташлайди ва мени жоврайдиган қилиб қўяди – қисқаси, безовталиқдан менга бирон бир фойда йўқ. Натижада, мен ҳам муаммоларимни Худога топширишни ўргандим. Барча ташвишларимизни Худога бермагунимизча, У ҳаракатни бошламаслигини тушуниб етдим.

Муаммоларни таҳлил қилишни ва уларни ўз билганимизча ечишни бошласак, тўхтаб, ўзимизга: «Мен бундай қилмаслигин керак. Ташибиларимни бутунлай Худога топширдим ва уларни энди қайтариб олмайман», дейишимиз лозим. Умидворлик ибодатининг моҳияти – Худога топширган муаммога қайтмаслик.

Қисқа хуносалар

Бағишланиш ибодатида, биз ўзимизни Худога топширамиз, борлиғимизни унга берамиз. Бу Унга ўз танамиз, онгимиз, қобилиятларимиз, камчиликларимиз, эътиқод ва мақсадларимизни ихтиёриш равища тақдим этишни назарда тутади. Ўзимизни Унга топшириб,

бизни муқаддасликка яқинлаштириши ва Ўзи-
га ўхшаш қилиши учун, Унга замин яратамиз.

Шунингдек, бағишиланиш ибодатида биз
муаммоларимиз ва кечинмаларимизни Худога
тақдим этамиз ҳамда Уғамхўрлик қилишига
астойдил ишонамиз. Ташибишларимизни Унга
бериб, уларни кейин қайтариб олмаслигимиз
зарур. Худованд бизларни доим кучимиз етма-
ган юкларни кўтариб юришимиз учун яратма-
ган. Унинг Ўзи бу юкларни олиб, Унга юклаши-
мизни таклиф қиласяпти. У бизнинг Отамиз ва
дўстимиз. У ҳар қандай вазиятдан чиқиш йўли-
ни кўрсата оладиган, ягода Шахсадир.

Бағишиланиш ва умидворлик ибодатлари
бизга бениҳоя катта эркинлик ҳадя этади, шу-
нинг учун сизни бу ибодатлардан имкон қадар
кўпроқ фойдаланишга чорлайман. Унутманг:
Худованд учун умуман аҳамиятсиз нарсанинг
ўзи йўқ. Ҳамма нарса учун ибодат қилинг.

Ибодатга оид фойдали фикрлар

- *Багишиланиш ибодатида, биз ўзимизни Ху-
дога бағишилаймиз, умидворлик ибодатида
эса ташибишларимизни Унга юклаймиз.*
- *Багишиланиш ибодати – бу Раббийга тўлиқ,
ихтиёрий равишда ўзимизни ва бизда бор*

бўлган нарсаларни бўйсундириши. Бу ибодат ҳаётимизнинг ҳар битта соҳасини У учун очиб беришимизни назарда тутади. Ундан ҳеч нарсани яширмаймиз ва У мұхим, деб ҳисоблаган ҳамма нарсани амалга оширишига имкон берамиз.

- Багишланиш жараёни, нафақат танамизни, ҳаракатларимиз ва сўзларимизни, балки фикрларимиз, эътиқод ва мақсадларимизни ҳам ўз ичига олади.
- Раббийга ҳаётимизни багишлаш – бу қийин жараён, шундай бўлсада, ҳар доим мисли кўрилмаган баракаларни олиб келади.
- Умидворлик ибодатида, биз муаммоларимизни Раббийга берамиз. Бу ибодатга, ўз ҳаётимизни, бошқалар билан муносабатларимизни ва содир бўлаётган барча вазиятларни назорат қилишига кучимиз етмаслигини англаганимизда, зарурат түгилади. Бу ибодат билан, ҳаётимиз устидан тўлиқ ҳокимиятни Худога топширамиз. Муаммоларимизни Худога топшириб, уларни қайтариб олмаслик, улар учун қайғурмаслик ва улар ҳақида ўйламаслигимиз лозим.

УЧИНЧИ БОБ

Сўров ва кутиш ибодатлари

Ер-юзида яшовчи ҳар бир кишининг қандайдир истаги бор. Ҳамма нарсадан мамнун ва бирор тилакка эга бўлмаган одамни топиш қийин. Каломда, сўрамаганларинг учун эга эмассизлар (Ёқуб 4:2), деб айтилган. Ҳудованддан нимадир олмоқчи бўлсак, буни Унинг Ўзидан сўрашимиз лозим. Илтимос билан мурожаат қиласиган ибодат сўров, деб номланади.

Ибодат – бу Ҳудованд билан ҳамкорлик воситаси ҳамда жисмоний дунёда ниманидир амалга ошириш учун, У билан руҳий дунёдаги ўзаро ҳаракатимиз. У самонинг кучини ерга олиб келади. Ибодатларимизнинг бирига жавоб тезроқ келади, бошқасини эса сабр билан кутишимизга тўғри келади. Бундай пайтларда, биз кутиш ибодатидан фойдаланамиз. У ибодатимизни биринчи мартадан эшитмагани учун эмас, балки бизни сабр-тоқатга ўргатиш, имонимизни мустаҳкамлаш ва руҳий мушакларимизни ўстиришда ёрдам бериш учун – бизни қатъият билан ибодат қилишга ундейди.

Ибодатда қатъиятли бўлишимиз кераклигининг сабабларидан бири – ёвуз руҳлар ибо-

датга вақтида жавоб келишига қаршилик қилишади. Дониёр китоби 10-чи бобда бунинг мисолини кўрамиз. Дониёр сўраган нарсасини олиши учун йигирма бир кун рўза олиб, ибодат қилишига тўғри келди. Дониёрнинг ибодатига Худованд шу заҳоти жавоб берди, аммо Форс шоҳлигининг подшоҳи, деб аталган ёвуз рух, жавоб унга етиб келишига қаршилик қилиди. У ортга чекинмай, ибодатни давом эттиргани сабабли, Худованд Форс подшоҳи билан жанг қилиш учун Микоил бош фариштани юборди. Микоил ёвуз рухни енгди. Натижада, Дониёр ибодатига жавоб олди.

Биз муҳтоҷликларимизни Худога сўров ибодати орқали очамиз, бироқ айрим ҳолларда жавобини сабр билан кутишга тўғри келади.

Сўров ибодати

Худодан муҳтоҷлигимизни қондиришини ёки истагимизни амалга оширишини сўраганимизда, бу сўров ибодатига киради. Менимча, оғзимиздан кўпинча сўров ибодат чиқади. Бу Исо Маҳиҳ ўргатган ибодатларнинг бир тури: «Сўранглар, сизларга берилади; изланглар, то-пасизлар; тақи́ллатинглар, сизларга очадилар» (Матто 7:7). Тақи́ллатмасак, бизга очмайди. Из-

ламасак, тополмаймиз. Сўрамасак, ҳеч нарса ололмаймиз.

Бирон нимага эришишни истасангиз – сўранг. Шундай бўлсада, Худодан бирор нарсани сўрашдан олдин, У бизларга берганлари учун миннатдорлик билдиришимиз лозим. Бизларда бор бўлганлари учун раҳмат айтмасак, қандай қилиб, Ундан яна ниманидир сўрашимиш мумкин? Филиппиликларга мактуби 4:6 бизга уқтираяпти: «Ҳеч нарса ҳақида ташвиш қилманглар, лекин ибодат, илтижо ва миннатдорчилик билан ҳамма нарсада ўз тилакларингизни Худога билдиринглар». Сўров билан мақтов ва миннатдорликнинг ўртасида мувозанат сақласак, ибодатларимиз ақл бовар қилмас хўрсанҷчилик бағишлайди. Ахир, Худодан бирон нарсани сўраш, У буни, албатта, амалга оширишига ишониш, шундан сўнг, жавоб келишини кузатиш, ажойиб эмасми? Худодан ниманидир сўраганда, У ибодатимизга жавоб беришига амин бўламиз ва бу нарса ҳақида бошқа эсламаймиз, ёки уни давом эттириш ҳиссини туйиб, қатъият билан сўрайверамиз. Ҳар қандай вазиятда Худованд ибодатларимизга жавоб беришини ёқтиришини ёддан чиқармаслигимиз лозим. Чунки У Ўзи истаган тарзда,

вақтда ва Унинг фикрича тўғри бўлган нарсани беради. Уялманг – сўранг!

Сўров ва истак

Менинг фикримча, сўров ибодати мана шундай амалга оширилиши лозим. Айтайлик, сиз ҳар куни ишга борасиз, Худонинг Сўзи бўйича яшайсиз, аввало ҳақлик ва Худонинг Шоҳлиги пайдасиз, Унинг амрларини бажарасиз. Эзгулик қилишга, тўғри яшашга, донолик билан йўл тутишга ва ҳамма нарсада Худонинг иродасини излашга уринасиз. Сизда қандайдир истак пайдо бўлганида, нима қиласиз? Бу тахминан шундай эшитилади: «Художон, мен янги машинага муҳтожман. Сени эзгулигингни ва бизни қувонтиришни ёқтиришингни биламан, шунинг учун Сендан янги машиман бўлишини сўрайман. Бунга қандай эришишни билмаяпман». Ундан кейин нима қиласиз? Олдингидек яшашда давом этасиз ва Худованд янги машинангиз бўлиши учун ёрдам беришини кутасиз.

Сўров, одатда истакдан келиб чиқади. Биринчи истак пайдо бўлади, кейин сўровга айланади. Истакларнинг айримлари Худодан келади, бошқаларини – танамиз истайди. Мен Чарльз Сперженнинг қуидаги сўзларига қў-

шиламан: «Бизларга ҳақиқатдан ҳам муҳим бўлган нарсаларни Худонинг Ўзи юрагимизга солади». Худованд қандайдир хоҳишни берган бўлса: «Художон, мен шу нарсани хоҳлайман», десак, нотўғри бўлмайди. Раббийда юпанч топсак, У юрагимиз истагини амалга оширади (Сано 36:4). Бироқ кўпинча, бизда танавий, Худодан бўлмаган норухий истаклар туғилади (Ёқуб 4:3) ва У бу истакларни амалга оширмайди. Шунда бу истакларга қадалиб қолмасдан, улардан тезроқ қутилиш – тўғри бўлади.

Ҳамиша ҳам истакларимиз қайси манбадан – танаданми ёки юракдан чиқаёттанини билолмаймиз. Бундай вазиятларда, мен қуидагича ибодат қиласман: «Раббий, Сендан шу нарсани сўрайман. Агарда, бу нарса мен учун кераксиз бўлса, Сен бошқа фойдали нарсани бергин». Бир нарсани аниқ биламан: Худованд шавқатли, мени севади ва менга фақат эзгуликни тилайди, шундай экан, Худо мен учун бефойда, деган нарсани беришини талаб қилишнинг кераги йўқ. Отам менга нима яхшилик олиб келишини билади.

Бизда қандайдир истак пайдо бўлса, Муқаддас Рухга қулоқ солишимиз: Унинг истагимиз тўғрисидаги фикрини билишимиз лозим. Ун-

дан, истакларингиз устидан бошқарувни қўл-га олишни ўргатишини сўранг. Айниқса, улар сиз ўйлагандек, тез амалга ошмаётган пайтида. Истакларимиз қолипдан чиқиб, бизни қамрам олишига йўл қўймаслигимиз зарур. Уларни Худога бўйсундурмаганда, шундай ҳолат юзага келади. Бирор нарсани кучли истаб, ўзимизни уша нарсасиз баҳтсиз ҳис этишни бошласак, у ҳирсга, ҳирс эса – гуноҳга айланади. Қувонч ва баҳтиёrlигимизнинг манбаи – Масих; баҳтли бўлиш учун ердаги нарсаларга боғлиқ бўлмаслигимиз лозим. Мен истакларимга мубтало бўлар даражада, мени қамраб олишига йўл қўймасликка ҳаракат қиласман. Худованд, шу нарсасиз ҳам яшай олишимни айтса, У Ўзининг кўп каррали ўлчамдаги ҳузури билан сўраганимни ўрнини қоплашини биламан.

Истаклар назоратдан чиқиб кетишига мисол келтираман. Турмушга чиқишини орзу қиладиган аёл, фақат шу ҳақида ўйлади. У доим Худога дейди: «Мен турмушга чиқмоқчиман. Тезроқ турмушга чиқай». Улар, ибодат турхидан, шу мавзу ҳақида розилик ибодатини қилишни сўрайди. Ибодат хизматларида гилар доимо, Раббий шу аёлга эр беришини сўрайдилар. У фақат шу мавзу тўғрисида гапиради. Мабодо, турмуш-

га чиқмасам, бахтсиз ўтаман, деб ўйлайди. Биласизми нима содир бўлади? Бундай аёллар, охир оқибат, турмушга чиқмай қолиб кетадилар ёки ғалати кишини топиб олади ва топганига бир умр пушаймон бўлиб яшайдилар.

Ёлғиз киши Худодан: «Раббий, мен ёлғиз ўтишни истамайман. Менга ҳаётимнинг охиригача бирга яшайдиган киши керак. Менга мос бўлган кишини бергин. Мен оила қуришни истайман», деб сўрашининг ёмон жойи йўқ, албатта. Бироқ бизнинг истакларимиз миямизга ўрнашиб, бошқа нарсалардан муҳимроқ бўлиб қолмаслигини назорат қилиш керак. Биринчи навбатга Худони ва Унга итоаткорликни қўйинг. Бошқаларни хурсанд этишни кўзланг ва Худованд тайёрлаб қўйганларини, ўз вақтида олишингизга амин бўлинг. Кўнглингиз қолмасин ва хафа бўлманг. Мақсадга қараб бораётиб, жараённинг ўзидан завқ олишни ўрганинг.

Буларнинг ҳаммасини, сиз муваффақиятли бўлишингиз ва менинг хатоларимни қайтармаслигингиз учун айтаяпман. Мени хизмат қилиш истаги қамраб олганида, бошқа нарсани ўйлай олмай, ўзга нарса ҳақида ибодат қила олмай қолган эдим. Ҳа, Худованд юрагимга, одамларга Унинг Сўзини воизлик қилиш ва уларнинг ҳа-

ётини ўзгартириш учун катта истак жойлади. У ҳосилдор хизматга эга бўлишимни истади, аммо мен бу истакни назоратдан чиқиб кетишига йўл қўйдим. Натижада, мен учун Худованд эмас, У берган хизмат муҳимроқ бўлиб қолди.

Яна бир мисол келтираман. Дэйв билан бизнинг фарзандларимиз бор. Агар мен, биринчи фарзандим дунёга келгани сабабли, эримга камроқ эътибор беришни бошлаганимда, у бошқа фарзандларимиз бўлишини, истамаган бўлар эди. Аксинча, бола туғилиши муносабатларимизни мустаҳкамлади, шунинг учун, мен ҳар сафар фарзанд кўришни истаганимда, у мени қўллаб қувватлади.

Худованд ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Худованд берган нарса, сизни Ундан узоқлаштиrsa, У яна бирор нима беришни истамаса керак. Агарда, Ундан олган нарса, сизни Унга яқинлаштиrsa, Унга нисбатан севги билан тўлдирса ва Унга яна кўпроқ сажда қилишга ундаса, У қувонч билан бошқа илтимосларингизни ҳам амалга оширади. У ҳаётимизда биринчи ўринда Ўзи туриши шарти билан, сўраган нарсаларимизни беради.

Тўғри нарсани сўраш учун, ҳар доим ҳам керакли доноликка эга эмасмиз. Исо Масих, биз

нон сўрасак, тош бермаслигини, балиқ сўрасак, илон бермаслигини айтган (Матто 7:9-10). Лекин гап шундаки, баъзида нон сўрайпмиз, деб ўйлаб, аслида тош сўраймиз. Бошқача қилиб айтганда, сўраган нарсамиз биз учун тўғри ва муҳим бўлиб туюлади. Бироқ Худованд: сўраётган нарсангиз, фақат ёмонлик келтиришини билади. Баъзида, оқибати хавфли бўлишини ҳам ўйламай, гўллик билан ниманидир сўраш табиатимиз бор. Бундай пайтларда, Худованд сўраганимизни бермаганидан хурсанд бўлишимиз керак. Кимдир Худодан, қандайдир инсон ҳаётининг бир қисми бўлишини, сўраши мумкин. Борди-ю Худованд ибодатига жавоб берса, уйга заҳарли илонни киришига йўл қўйган билан баробар бўлишини ҳаёлига ҳам келтирмаслиги мумкин. Шундай экан, биз Унга ишонишимиз ва қуийдагича сўрашимиз зарур: «Художон, Сендан хоҳлаган нарсамни сўрашга ҳаққим бор, бироқ Сенинг иродангта мос келмайдиган нарсани олишни истамайман. Раббий, мен Сенга умид қиласман. Сўраган илтимосимни амалга оширмасанг, демак, ҳали бу нарсани вақти келмаган ёки Сен бундан яхшироғини тайёрлаб қўйган бўласан. Шунинг учун, мен хафа ва норози бўлмайман».

Худованд бизни барча истакларимизни амалга оширишни эмас, балки бизга фойда келтирадиган нарса ҳақида ўйлайди. Худовандга ҳақиқатдан ҳам ишонсак, ибодатимизга олган ижобий ва рад жавоблариги нисбатан тўғри муносабатда бўлишимиз зарур. Шоҳ Довуд Худованд учун мабад қуришни жуда кучли истади, бироқ Раббий, мабадни у эмас, унинг ўғли қўтаришини айтди. Довуднинг жаҳли чиқмади, ҳатто хафа бўлмади, ваҳоланки, мабад учун керак бўладиган маблағ ва қурилиш материалларини йиғишда давом этди.

Раббийдан истаган нарсангизни олмаган бўлсангиз, унда бошқа нарса ҳақида ибодат қилинг. Ҳаётингизнинг қолган вақтини, Раббийнинг йўлларини тушунмаганингиз сабабли, ололмаган нарса учун ўқиниб ўтишнинг кераги йўқ. Худонинг далилларини билишга уриниш – бизнинг ишимиз эмас. Бизнинг вазифамиз – Унга ишониш. Ишониш айрим саволларимиз жавобсиз қолиши ҳам мумкинлигини назарда тутади.

Дадиллик билан келинг

«...Биз, қайси ибадатдан фойдаланишни ва уни қандай тўғри қилишни билмаймиз...» (Римликларга 8:26). Баъзида, Худонинг ол-

дига дадиллик ва аминлиқда келишга қодир эмасмиз, чунки ўзимизни кераксиз, нолойик ҳис этамиз ва ўзимиздан уяламиз. Баъзида, Худованд бизга умуман ёрдам беришни истамайдигандек туюлади, чунки биз бунга сазовор-масмиз, деб ўйлаймиз. Айрим кишилар, Худованд уларни «қулоқ солишига» амин бўлганидагина ибодат қиласидар, ахир, улар кун давомида «ўзларини намунали тутдилар». Аслида, бизни шайтон адаштираяпти. Биз чиндан ҳам, ҳар доим қандай тўғри ибодат қилишни билмаймиз ва ўз кучимизга сужна олмаймиз. Бироқ гап шундаки, биз Худонинг қаршисида ўз кучимиз билан турмаймиз. Унинг олдига Исо Масихнинг ҳақлиги билан келамиз. Исо Масих бизни ҳақ кишиларга айлантиргани учун, Муқаддас Рух биз учун шафоатда бўлади (Римликларга 8:26). Бундан ташқари, Исо Масихнинг Ўзи ҳам шафоат қиласиди (Ибронийларга 7:25). Бу Худованд бизни эшитишининг исботи, шундай эмасми? Бу бизга дадиллик ва аминлик бериши лозим.

Само эшикларига журъатсизлик билан тақиллатиш, Худонинг ҳузурига эгилган бош билан кириш ва Унга: «Художон, ўзр, мен учун бир дақиқа ажратса оласанми? Бу қўп

вақтингни олмайди, мен фақатгина битта нарсаны сўрамоқчи эдим. Балки буни сўрашим нотўғридир. Хай, майли, менга ёрдам бера оласанми?», деб ибодат қилиш керак эмас. Унинг олдига дадиллик билан келиш учун, У билан муносабатларимизга амин бўлишимиз лозим. Ёдимда бор, бир аёл мендан у учун ибодат қилишимни илтимос қилди. Унга, бажонидил ибодат қилишимни айтганимда, у тортиниб менга қаради ва баъзур овоз чиқариб ғулдидиради: «Иккита муҳтоҷлик ҳақида сўраш мумкинми?» Мен уни, Худованд мамнуният билан эшитишига ва илтимосларини санаб ўтирумаслигига ишонтиришга ҳаракат қилдим.

Худога далил мурожаат этишимизни банкка, ҳисобимииздан пул чиқариб олиш учун боришимиз билан таққослаш мумкин. Ҳисобимда 50 сўм борлигига амин бўлсам, чунки ўзим уларни ўтган ҳафта қўйган эдим, ҳеч иккиланишсиз кассанинг ойнасига бораман ва 50 сўмимни нақд пул қилиб беришини сўрайман. Менда бу пул борлигини, улар менга тегишилигини ва истаган пайтим, уларни олиб кета олишимни биламан. Ўзимни 50 сўмимни олиб кетишимга шубҳаланмайман. Шунга ўхшаш дадиллик ва аминлик билан Худонинг

қаршисида туришимиз керак. Исо Масихнинг шарофати билан нимага умид қилаётганимизни билишимиз, ибодатда аминлик билан туришимиз, Худованд тайёрлаб қўйган нарсани шак-шубҳасиз қутишимиз лозим. У биз учун ақл бовар қилмас эзгуликларни тайёрлаб қўйибди, биз уларни фақат сўрашимиз керак, холос. Ўзимизни нолойик ҳис этсак, Муқаддас Рухдан – бизга ёрдам беришини сўрашимиз керак. Чунки, «ана шу Рухнинг Ўзи бизнинг руҳимизга, биз Худонинг фарзандлари эканлигимиз ҳақида гувоҳлик бермоқда. Агарда фарзадлари бўлсак, унда биз меросхўрлармиз, яъни Худонинг меросхўрларимиз ва Масихнинг ворисдошларимиз...» (Римликларга 8:16-17).

Худонинг фанзандлари ва меросхўрлари эканмиз, Ибронийларга мактуб 4:16 ўргатаётганидек йўл тутишимиз зарур: «...раҳм-шавқат (гуноҳларимиз учун) олишимиз ва зарурий ёрдам олишга иноят топишимиз учун иноят тахтига (бизга, гуноҳкорларга ҳадя этилаётган, Худонинг, биз ишлаб топмаган шавқат тахтига) жасорат билан яқинлашайлик». Исонлар Худонан ҳеч нарса сўрамаслигининг сабабларидан бири шундаки, улар ўзларини нолойик, деб

ҳисоблайдилар. Уларни ўзларининг ҳаёт тарзи қониқтирмайди, етарлича руҳий эмасман, деб ўйлайди, Худованд уларни эшитишига ишонмайдилар. Ўзларини «ёмон тутганлари» сабабли, Худодан барака сўрашга ҳаққи борлигига амин эмаслар. Улар Худонинг кечирими ва иноятигининг моҳиятини охиригача тушуниб етмаганлар. Биз хатога йўл қўйганимизда ҳам, Унинг марҳаматлари бизга ёғилишини билмайдилар.

Сўров ибодатини, Исо Масиҳнинг тўқилган қони шарофати билан ҳақлиkkка эга бўлган Худонинг қизи ва ўғли унвонини англаған ҳолда амалга оширишимиз лозим. Биз қўпинча, ҳақлигимиз «тўғри ишларимиз»: тўғри сўзларимиз, ҳаракатларимиз, эътиқодимизда қурилади, деб ўйлаймиз. Биз ҳақлиkkка ўз кучимиз билан эраша олмаймиз. Диндор бўлишимиз мумкин, аммо ҳақ киши эмас. Ҳақлиknинг «тўғри» юриштуришга алоқаси йўқ. Ҳақлик – бу Исо Масиҳ бизни гуноҳлардан поклаш учун Ўз қонини тўкканининг натижаси. Худонинг кўзида, фақат Исо Масиҳнинг қони ҳақ кишига айлантира олади.

Янги Аҳд бўйлаб, Исо Масиҳ бизнинг ҳақлигимиз учун нимани амалга оширганини ўқиймиз. Келинг, айрим оятларга кўз ташлаймиз.

- «Биз Масиҳда Худонинг (У томонидан қабул қилинган, Ўзининг шавқати бўйича У билан муносабат) билан ҳақлиги бўлишишимиз (ҳақликка эга бўлишишимиз, ҳақ яшашишимиз, ҳақ инсоннинг намунаси бўлишишимиз) учун, Худо гуноҳни билмаган Масиҳни биз учун гуноҳга айлантириди» (2 Коринфликларга 5:21).
- «Бир кишининг жинояти билан ҳамма одамларга маҳкумлик бўлганидай, худди шундай, бир кишининг ҳақлиги билан ҳамма одамларга ҳаётга йўналтирадиган оқланиш бўлади. Бир кишининг итоатсизлиги билан кўп одамлар гуноҳкор бўлганларидаи, бир кишининг итоаткорлиги билан кўп одамлар ҳақ бўладилар» (Римликларга 5:18-19).
- «Мен Худонинг иноятини рад қилмайман. Агарда оқланиши Қонун орқали бўлса, унда Масиҳ беҳудага ўлган» (Галатияликларга 2:21).
- «Зоро Масиҳ – Қонуннинг охиридир, токи имон келтирган ҳар бир киши ҳақликка эришисин» (Римликларга 10:4).
- «Зоро ҳамма гуноҳ қилган ва Худонинг шуҳратидан маҳрум бўлган, энди эса Исо Масиҳдаги қайта сотиб олинши орқали Худонинг инояти билан текин оқланмоқда» (Римликларга 3:23-24).

Ҳақлиқ ҳақида воизлик қилганимда, бир мисолни келтиришни ёқтираман. Курсига ўти-ринг, шу ҳолатда, унга яна ўтиришга уриниб кўринг. Бу аҳмоқона эшитилишини биламан, чунки сиз унда аллақачон ўтирибсиз. Ўтирган жойга, яна ўтиришнинг иложи йўқ. Ҳақлиқ ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Айтайлик, Исо Масих бизни ҳақлиқ курсисига ўтқазди, шу ҳолатда, ўша курсига яна ўтиришга уриниш ғалати. Бу курсидан турган пайтимизда ҳам, у жой бизга тегишли бўлиб қолаверади. Исо Масихнинг қони орқали Худонинг қаршисида ҳақ эканимизга чин юракдан ишонган заҳоти, биз ҳақ тарзда яшашни бошлаймиз. Аксинча, ҳеч қандай тўғри ишлар, бизни Худонинг қаршисида оқлашга қодир эмас. Буни фақат Масих амалга ошира олади. Ҳаворий Павел айтган: «Мен Қонундан бўлган ўз ҳақлигим билан эмас, балки Масихга ишонишдан бўлган ҳақлиқ билан, яъни имон орқали Худодан бериладиган ҳақлиқ билан Масихда топилишни хоҳлайман» (Филиппиликларга 3:9).

Ҳақлиқка эришиш учун ўзимиз ҳеч нарса қила олмаслигинизни ва Худога ниманидир исботлаш бефойдалигини тушуниб етганимизда, ҳақлиқ инъомидан роҳатланишни бош-

лаймиз. Бу ибодатларимизда дадил бўлишни беради ва Худованд чиндан ҳам, илтимосларимизни амалга оширишни исташига аминлик қўшади. Худованд мени эшитишини ва ибодатларимга жавоб беришини биламан, чунки мен ўзим бунга лойиқ эмасман, балки У эзгу ва шавқатли.

Кутиши ибодати

Чекинмас ҳам, деб аталадиган кутиш ибодати – бу инсон ниманидир ортга чекинмай сўрайди ва таслим бўлмайди. Айрим ҳолатларда, бир марта икки оғиз сўз ёки жумла билан ибодат қилиб, кейин ўз ишларимизга қайтишимиз мумкин. Бошқа ҳолларда эса фикрингизда ўша вазият ёки инсонга қайтаверасиз ва ибодатни давом эттириш кераклигини сезасиз. Муқаддас Рух тўхтовсиз, ниманидир эслатаверса, демак, шу нарса ҳақида қатъият билан сўрайверишимизни истайди.

Ибодатда чекинмасликнинг қўринишларидан бири – бу бир марта сўров ибодатини амалга ошириб, кейин то жавоб келгунича Унга миннатдорчилик билдириш. Жавобни аллақачон имон билан олдингиз, сўраган нарсан-

гиз жисмоний дунёда намоён бўлишини аниқ биласиз ва ҳар сафар бу ҳақда ўйлаганда, қўидагича миннатдорлик билдирасиз: «Раббий, ибодатимни эшитганинг ва жавоби аллақачон йўлда экани учун раҳмат. Аниқ биламан, сўраган нарсам бир кунга ҳам кечикмайди». Ортга чекинмас ибодатингиз, кейинчалик ортга чекинмайдиган миннатдорликка айланади.

Ибодатда чекинмасликнинг яна бир қўриниши – бу Худонинг бошқаруви бўйича ибодатни олиб бориш. Аксарият ҳолларда, мен бир иш ёки одам учун бир марта сўрайман. Баъзида, Худованд ўша кишининг юрагида ва ҳаётида режалаштирилган нарса амалга ошмагунича, ибодатда бўлишга ундайди. Бир киши учун йигирма беш йилдан бери ибодат қиласман. Умримнинг охиригача ёки Худованд мени бу вазифадан озод қиласмунича сўрашда давом этаман. Балки ўша киши оламдан ўтганда ёки унинг ҳаётида ўйлаб қўйилган нарса амалга ошганда ибодатни тўхтатарман. Баъзида чарчайман, бироқ аҳволимга қарамай, барибир ибодатни давом эттираяпман. Худованд бу топшириқни берганини аниқ биламан ва чекиниш ниятим йўқ. Ибодатларим орқали Худованд ўша кишининг тақдирини яратагтанига ишонаман.

Айрим ҳолларда, бирор киши учун сўрашга мажбурман, деб ҳисоблайман ва ибодат вақтида ўша кишини исмини айтиб ўтишни унитиб қўяман. Баъзида эса бирон киши учун ибодат қилишга уринаман, аммо кучли хоҳишни сезмайман ва қандай сўзлар билан сўрашни билмайман. Бундай пайтлар, айтган сўзларим қуруқ ва сохта чиқади. Худованд, кимдир ёки нимадир учун сўрашга унданганида, ўзингизни мажбурашга тўғри келмайди. Аксинча, кучли иштиёқни сезасиз ва мажбурият юзасидан сўрамайсиз.

Худованд мен учун ибодат қилишни буюрган инсонлар ҳам бор. Балки, улар кўпчиликдир, лекин мен иккита шундай инсон ҳақида аниқ биламан. Миннесота штатидан бир аёл кўпинча менга дейди: «Жойс, Худованд менга сен учун ибодатда бўлишни вазифа қилиб берган». У мен учун тўхтовсиз ибодат қиласди. Яна бир аёл, менинг яқин дугоман, жамоатдаги вазифалари кўпайиб кетгани учун Худодан, мен учун ибодат қилиш топшириғидан озод этишини сўраган. Худованд эса озод этмаган. Мен учун ибодат қилиш истаки шу қадар кучли эдики, ибодат қилмаган пайти ўзини баҳтсиз ҳис этар эди. Уларни мен учун шафоатчи қи-

либ қўйгани учун Худодан миннатдорман, чунки ҳамма қатори, мен ҳам, кимнингдир ибода-тига муҳтожман.

Эндрю Мюррей ортга чекинмас ибодат ҳақида ёзган: «Ортга чекинмас ибодат – оҳ, бу қанчалик теран самовий сир. Баракаларни ҳадя этишни ваъда берган, уни истайдиган ва мақсад қилиб қўйган Худо, жавобни ушлаб туради. Унинг ердаги дўстлари, самодаги бой Дўстига тўлиқ ишониши, У учун муҳим аҳамиятга эга. Атайин кечикириладиган синовга, чиндан ҳам бардош беришини ва чекинмасликни қарор қилганда, самода қандай қудратли кучга эга бўлишини тушунишини истайди».

Худонинг Каломидаги, Унинг иродасига мос равишда, нима учундир ибодат қилишни истаган ва шу нарсани сўраш кераклигини аниқ билган пайтлар ҳам бўлган. Мен ибодат қилар, бирорта ҳам жиддий ўзгаришни кўрмаганимдан сўнг, Худога: «Мен яна шу илтимос билан сенга мурожаат этаяпман. Мен беадаб бўлиб кўринишни истамайман, аммо олдинга силжишни кўрмагунимча, сўрашда давом этаман. Сендан қайта ва қайта сўрайман ва шу соҳада ёриб ўтмагунимча ортга чекинмайман», деб айтар эдим. Баъзида Ёқубдек бўлишимиз керак.

У Раббийнинг фариштасига деди: «Мени дуо қилмагунингча, Сени қўйиб юбормайман». Худованд Ёқубни дуо қилди, зеро у Худованд билан курашди ва одамларни енга олади. Бошқа сўз билан айтганда, Ёқуб саботли эди ва охиригача таслим бўлмади (Ибтидо 32:24-28).

Худонинг иродасини билсам, унга мос равишда сўрашим ва матонатли бўлишим мумкин. Жавоб олгач, ортга чекинмас ибодат кутилган натижага олиб келишига, яна бир марта амин бўламан. Қатъият билан қилинган ибодат рухий дунёда улкан қудратни ишга солишини тушунаман ва бу мени қувонтиради. Сиз ҳам шундай қила олишингиз мумкин.

Қатъиятли бева ҳақида ҳикоя

Ортга чекинмас ибодатга яққол мисоллардан бири Луқо Хушхабари 18:1-6 да ёзилган:

«Исо шогирдларига тушқуникикка тушмасдан доимо ибодат қилиш кераклиги ҳақидаги шу масални айтиб берди: «Бир шаҳарда Худодан қўрқмайдиган, одамлардан ҳам уялмайдиган бир қози бор эди. Ўша шаҳарда бир бева хотин ҳам яшар эди. У қозининг олдига келавериб: Мени рақибимдан ҳимоя қилинг, - деб ўтиниб сўрар эди. У эса анча вақтгача бунга

эътибор бермас эди. Охирида ўз ўзига деди: Мен Худодан қўрқмайман, одамлардан ҳам уялмайман, бироқ бу бева менга тинчлик бермаётгани учун уни ҳимоя қилай, токи у яна келавериб, мени безовта қилмасин». Шунда Раббий деди: «Ноҳақ қози нима деганини эшита-япсизми?»

Бу ҳикматнинг маъноси шундаки: ноҳақ ва тошбағир қозини ўз илтимосидаги қатъият билан кўндиришнинг имкони бўлса, биз қўлларимизни пастга тушурмасак, боз устига, адолатли ва меҳрибон Худо ибодатимизга жавоб беради. Сабр-матонатни намоён этсак, ўйлаганимиздан ҳам зиёд нарсаларни амалга оширади. Вазиятлар умидсиз, муаммолар – ечимсиз кўринган пайтларда ҳам, қатъият билан ҳамма нарсани енгиб ўтишимиз мумкин. «Худони севганларга, Унинг мурод-мақсади бўйича даъват қилингандарга ҳамма нарса биргаликда яхшиликка хизмат қиласи» (Римликларга 8:28). Бизга яхши маълум бўлган бу оят ибодатга бағишланган матнда жойлашган, шунинг учун тўхтовсиз ибодатда бўлганимизда ҳамма нарса яхшиликка хизмат қилиши назарда тутилган. Ибодатда қатъиятли бўлсак, ҳаётимиздаги ҳамма содир бўлаётган ҳодисалар – бизга қанчалик даҳшат-

ли кўринмасиз – Худонинг донолиги туфайли, яхшиликка айланади. Мухими – ибодатда тўхтамаслик зарур.

Исо Масих давом эттириди: «Худо (адолатли) уларга узоқ сабр-тоқат қиласада, наҳотки Үнга кечаю-кундуз фарёд қилаётган Ўзининг танланганларини ҳимоя қилмаса? Сизларга айтаманки, уларни тез орада ҳимоя қилади. Бироқ Инсон Ўғли келганида, ер юзида имон топармикан?» (Луқо 18:7-8).

Иложисиз ахволга тушган кишилар, қўлини тушуриб, юрагини тош қилишни ўрнига, ибодатда турсалар эди, қанчалик кўп одамларнинг ҳаёти ўзгарар эди. Ибодат қилинг ва Худованд қўнгилсиз воқеани мўъжизага айлантиришини гувоҳи бўласиз. Худованд бизни таслим бўлмасликка ва натижага кескин юз буришга чақираяпти. У ерга қайтганида, тебранмас имонни, чекинмас ибодатни ва қатъиятли кишиларни излайди.

Қатъиятлилик барака олиб келади

Ибодатда ортга чекинмаймиз, чунки жавоб олишимизга ишонамиз. Худованд ишонишилизга лойиқ эканини, ибодатларимизни жавобсиз қолдирмаслигини ва қўнглимишни қолдир-

маслигини биламиз. Қуйида мен айтиб берадиган ортта чекинмайдиган ибодат ҳақидағи воқеа, мени доимо рұхлантириб келган ва умид қиласынан, сизларни ҳам бефарқ қолдирмайды.

Жон ва Тришанинг аввалги никоҳидан фарзандлари бўлган, бироқ улар Худованднинг ваъдаси бўйича, иккаласидан фарзанд туғилишига ишонар эдилар. Улар бу учун ибодат қилди ва Триша ҳомиладор бўлди. Эр хотин бу хабардан жуда хурсанд эдилар, бироқ тез кунда Тришани боласи тушиб, хурсандчиликлари қайғута айланди. Бу зарбадан ўзларига келгач, яна ибодатни давом эттиришди. Жон: «Художон, аёл кишининг бачадонини Сен очасан ва Сен ёпасан» (Ибитидо 29:31, 30:22; 1 Шоҳликлар 1:5), деб сўрар эди. Триша қўшимча қилиб: «Раббим, 20-чи Санода, шоҳ Сендан ҳаёт сўради ва унга бердинг, Сен иккиюзламачи эмассан», дер эди. Улар Худодан янги инсонга ҳаёт беришини сўрар, чин юракдан, У жавоб беришига ишонар эдилар.

Орадан кўп ўтмай, Триша яна ҳомиладор бўлди ва яна боласи тушиб қолди. Улар бунга ишонгиси ҳам келмас эди. Наҳотки яна шундай содир бўлди? Лекин барибир ибодатни давом эттирдилар. Триша учинчи марта ҳомила-

дор бўлди ва яна боласи тушди. Одамлар уларга, бола асраб олишларини ёки бола туғиш ғоясидан умуман воз кечишиларини таклиф қилишди, аммо Жон ва Триша Худонинг фарзанд ҳақидаги ваъдасига бўлган имонидан воз кеча олмас эдилар.

Жон ва Триша тўртинчи маротаба ҳомилали бўлди, бироқ Триша уни ҳам сақлаб қола олмади. Бир марта бола тушишини бошдан ке-чириш анчагина оғир, аммо бу нарса тўрт бора такрорланса? Улар жамотдаги ибодат гурухини ва чўпонларни улар учун шафоат қилишига кўндириб, Худонинг ваъдасини маҳкам ушлар эдилар. Улар Муқаддас Китобдаги оятлар билан сўрар эдилар. Триша дер эди: «Имон умид қилингган нарсаларнинг моҳиятидир ва кўринмайдиган нарсаларга амин бўлишдир». Бу сафарги ибодатида, Худованд унга Чиқиш китоби 26-чи бобдаги 26-чи оятни эслатди: «Юртингизда ҳомиласи тушиб қолган ёки бефарзанд аёл бўлмайди. Мен умрингизни узоқ қиласман».

Худованд Жон ва Тришанинг ибодатига жавоб берди. Триша Фрэнсис Фейс (таржимаси – имонни билдиради) номли қизча туғди. У Худонинг эзгулиги ва шавқатининг тирик мисолига айланди. Шунингдек, ўзларининг ота-она-

си ҳамда улар учун ибодат қилган ва уларнинг матонатли ибодатини кўрган барча учун катта барака бўлдилар.

Қатъиятлилик бир нарсани тақрорлайверишни билдиримайди

Қатъиятли, ортга чекинмайдган ибодат, эзма, бир нарсани қайтариб ўтириш билан барабар эмас. Сизларни битта нарсани тақрораб, кўп марта бир хил чайналиб, худди болалар хизматида ёдлагандек, юракдан чиқмайдиган тарзда ибодат қилишга эмас, балки Рух томонидан бошқарилган, ортга чекинмайдиган ибодатларни амалган оширишга чорлаяпман. Механик равишда, ҳеч қандай маънога эга бўлмаган сўзни айтиш мумкин. Бундай ибодатлар – беҳуда куч сарф этиш. Мен «Осмондаги Отамиз» ибодатини тутилмай айтиб бера оламан, шу билан бирга фикрларим бошқа жойда бўлиши мумкин.

Худога расмий ибодатлар керак эмас ва улар ҳаётимизда ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Бир нарса учун узоқ вақт давомида ибодат қиласак, бу ибодатлар ҳар сафар бир хил сўзларни тақрорлашга айланиб қолишига йўл қўймаслик лозим. Битта мавзу учун кўп вақтдан бери

ибодат қилаётган бўлсангиз ҳам, Муқаддас Рух сизни янгича бошқаришига имкон беринг.

Худованд айрим кишиларга бирор киши ёки нарса учун ибодат қилишни топширади ва қўпинча, қатъиятилик – бу топшириқнинг зарур бўлган шарти ҳисобланади. Баъзида Худованд бир киши учун сўрашга ундаиди, Муқаддас Рух эс бу ҳақда бир кунда бир неча марта эслатиб туради. Ўша инсон доим юрагимизда ва фикрларимизда бўлади, у учун кўп марта ибодат қиласиз.

Худованд бизга у ёки бу топшириқни беради ва биз уни, албатта, бажаришимиз лозим. У бизни нимага фаол тарзда ундаётган бўлса, ҳатто қисқа муддатга бўлсада, бу бизнинг топшириғимиз ҳисобланади. Қатъиятили ибодат, унга кетган вақтни эмас, балки бизнинг матонатимиз ва ғайратимизни назарда тутади. Қайсиdir муҳтожликнинг қондирилиши учун, баъзида ойлаб ва йиллаб қатъият билан ибодат қилишга тўғри келади, баъзиларига эса Худованд бир неча куннинг ичида жавоб беради.

Ибодатларимиз янада маҳсулдор бўлишини истасак, ибодатимизни қай пайти кучайтиришимиз, қай пайти эса – қандай бўлса, шундайлигича қолдириши ўрганишимиз ло-

зим. Бирор нарсани кучли истаганимиз учун Худодан ўша нарсани хирадик билан сўрайверишга сабаб бўла олмайди, боз устига, У ўз вақтида жавоб беришни ваъда қилган бўлса. Ўз фикр ва ҳиссиётларимизга эргашишнинг ҳожати йўқ. Биз Муқаддас Рухга эргашишимиз; нимада мойланиш бор, нимада эса йўқлиниги фаҳмлай олишимиз лозим. Буни аниқлашнинг усули, мана: Худонинг мойланиши бор бўлган нарса енгиллик, эркинлик, иноят олиб келади; ибодат пайти Муқаддас Рухнинг ҳузурини сезасиз. Аксинча, ибодатда беҳисоб куч ишлатишга, хоҳишизликни ва дангасаликни енгишга тўғри келса, демак, бу нарсада Худонинг мойланиши йўқ.

Ибодатда Худонинг мойланишини сезсангиз, шу мавзуда ибодат қилишда давом этинг. Ҳар сафар У сизни унданганида, куч бериб ибодат қилинг. Худованд Луқо Ҳушхабаридағи қозига нисбатан беҳисоб эзгу ва шавқатлироқ. Унинг иродасини билишингизни ва камига қаноат этмаслигингизни билса, У сизга бажонидил жавоб беради.

Юқорида кўрсатилганларнинг бирортаси, ибодат оддийлигича қолиши керак эмаслигини билдирумайди. Қатъият билан ибодат қила-

диган бўлсак, бу ибодатни мураккаблаштириш кераклигини билдиrmайди. Ибодатда Худованд билан ҳамкорлик қиласиз, ерда Унинг иродасин эълон этамиз. Ибодат бағишланиши талаб этади, у белгиланган куч ишлатишни назарда тутади, бироқ у биз учун ҳаддан ташқари қийин бўлиши керак эмас. Айримлар ибодатни меҳнат, деб билади ва бу ҳақиқатта мосдир. Бу Рухий меҳнат, бу меҳнатнинг ҳосиллари эса – ердаги ақл бовар қилмас ўзгаришлардир.

Қисқа хўлосалар

Кўпчилик ибодатнинг бошқа турларидан кўра, тез-тез сўров ибодатидан фойдаланадилар. Худованд Ундан бизга керакли нарсани сўрашимизни истайди, ахир, У бизни барақалашни ёқтиради. Шундай бўлсада, бизнинг сўровларимиз мақтов ва миннатдорликни иккинчи даражага ўтказиб қўймаслиги зарур.

Муҳтоjлигимизни Худога дадиллик ва аминлик билан билдиришимиз керак, чунки бизлар Унинг қизлари ва ўғилларимиз. Биз ўзимизча Худонинг қаршисида тура олмаймиз, бироқ Исо Масиҳнинг қони бизни Худонинг кўзларида ҳақ киши қилди, шунинг учун ибо-

дат пайти ўзимиздан уялмаслигимиз ва қўрқ-
маслигимиз лозим.

Айрим ибодатлар биздан ортга чекинмас-
ликни – ғайрат ва Худодан жавоб олиш учун
қатъий истакни талаб этади. Ортга чекинмаслик
такабурликни билдиrmайди; бу руҳий кучни
талаб этадиган, руҳий ҳаракатдир. Худованд,
ибодатининг жавобини ва вазиятнинг аниқ на-
тижасини қўрмагунича, дадил ва қатъият билан
турадиган одамларни излаяпти.

Ибодатга оид фойдали фикрлар

- Сўров ибодатида Худодан ниманидир сўраймиз. Худодан борор нарсани сўраш, У албатта, жавоб бершишига ишониш, кейин ҳаётимизда шу нарсани амалга ошиши-
ни кузатиш – бу ажойиб имтиёз. Шу билан бирга мақтov ва миннатдорликни ҳам унумтаслик лозим.
- Худодан юпанч топсак, У юрак орзулари-
мизни амалга оширади. Ўз истакларингизни
Худога беринг ва Унга мурожаат қилаётга-
нингизда, Муқаддас Рӯҳ сизни бошқаршишига
имкон беринг.
- Исо Масиҳ бизни ҳақ кишиларга айлантири-
ди. Унинг қурбонлиги туфайли, бизда Худо

билин мұносабатлар қуришга ва Унинг күзларида ҳақ киши бўлишга имконият бор. Шунинг учун ибодатда Унинг олдига дадил ва аминлик билан келишишимиз керак.

- Қатъият билан ибодат қилиши – жавоб келгүнича сўраш кераклигини; бизни эшиштмагүнича, само эшикларини гайрат ва имон билан тақијатишини билдиради.
- Худованд кимдир учун сўрашини топширса, бу топшириқни бажаринг ва Унга сиз орқали ўша кишига ёрдам бериш имкониятини тақдим этинг.
- Сўраётган нарсангизда мойланиши бор ёки йўқлигини тушунишини ўрганинг. Худонинг мойланиши ҳар доим енликлик, эркинлик, иноят, куч ҳиссини олиб келади. Мойланниши сезсангиз, гайрат ва қатъият билан ибодат қилишида давом этинг. Мойланниши йўқолганида, ўша мавзуу учун ибодатни қилишини тўхтатинг ва Худованд сизни эшиштгани, жавоб келиши учун миннатдорлик билдиринг.

ТҮРТИНЧИ БОБ

Шафоат ва розилик ибодатлари

Биз имонлилар сифатида, бошқалардан тўлиқ ажралиб яшамаймиз. Биз Худованд оиласининг бир қисмимиз, Масихнинг танасида бирлашганмиз ва бизнинг масиҳийлик ҳаётимиз, атрофимиздаги кишилар билан муносабатларсиз тўлақонли бўлмайди. Худованд ҳаётмизга, бизнинг ҳарактеримизни чиниқтириши, бизни руҳлантириши, бизга ёрдам бериши, биз билан қувонч ва қайгуларни баҳам қўриши учун ҳар хил одамларни олиб келади.

Муносабатлар – бизнинг ижтимоий ҳаётимизнинг аҳамиятга эга бўлган қисми, шу билан бирга, ибодатларимида ҳам мухим рол ўйнайди. Биз атрофимиздагилар учун ва улар билан биргалиқда ибодат қилишимиз мумкин. Кимдир учун сўраш – шафоат ибодати; бошқалар билан бирга сўраш – розилик ибодати дейилади. Бу икки ибодат тури ўзида улкан құдратни мужассамлаган, ваҳоланки, биз уларни ўрганиб чиқишимиз ва улардан тўғри фойдаланишни билиб олишимиз зарур.

Шафоат ибодати

Шафоат – бошқа киши учун ибодат қилиш ҳамда Худога, бирор кишига ғамхўрлик қилиши ва муҳтожликларини қондиришини сўраб, мурожаат этишдир. Шафоат – ибодатнинг муҳим турларидан бири, негаки ҳамма ҳам ўзи учун сўрамайди ва қандай сўрашни билмайди. Сабаби оддий – ҳамма ҳам Худованд билан шахсий муносабатларга эга эмас. Бундан ташқари, одамлар оғир вазиятларга тушган, кучли тушқунликка бўлган, оғриқ, хафагарчиликни сезган ёки эсанкираб қолган пайтлари бўлади ва шунинг учун, ўз вазиятлари учун ибодат қила олмайдилар. Айримлар узоқ вақт давомида, бирор нарса учун сўраб, чарчаб қолган ва ҳафсаласи пир бўлган вақтлар бўлади.

Одамлар ибодат қилмаслигининг сабаблари кўп. Шундай одамларни қўрганимизда ёки имонлилардан бири у ёки бу сабабга кўра ибодат қила олмаётганини эшийтсан, бизнинг вазифамиз – Худонинг қаршисада улар учун туриш, сўраш, Муқаддас Рухнинг ортидан эргашиш ҳисобланади. Мисол учун, бир марта, шифохонага рак касалига чалинган дугонамни кўришга бордим. У ибодатда турага ва касаллик

билан жасур жангчи сингари мардларча курашар эди. Бироқ кейинчалик, у ибодат қилиш учун анча заифлашиб қолди. У менга: «Жойс, бошқа ибодат қила олмайман», – деди. Бу аёлга у учун ва у билан бирга ибодат қиласиган дўстлар керак эди, чунки унинг ўзи буни уddeлай олмас эди.

Эндрю Мюррей ва Вочман Ни шафоатни олийруҳонийнинг хизмати сифатида таърифляяпти. У имонлига берилган, Исо Масих билан бирга ҳалқ учун ибодат қилиш имтиёзиdir. Вочман Ни ёзаяпти: «Биз Раббийнинг қаршисида туриб, бошқалар учун ибодат қиласиз. Бу Унинг Олийруҳонийлик хизматидаги биз билан, хизматидаги биз билан ўзаро муносабатлардир. У Ўзининг одамлари ва уларнинг муҳтожликлари учун ҳар доим шафоатда». Эндрю Мюррейнинг таъкидашига кўра «руҳоний одамлар билан ва улар учун яшайди» (Ибронийларга 5:2). Унинг ишига, одамларнинг гуноҳлари ва муҳтожликларини билиш, уларни Худонинг қаршисига олиб келиш, ўша одамлар учун кечирим ва барака олиш, сўнг чиқиб, уларни Раббийнинг номидан дуо қилиш киради».

Сизларни, Исо Масихнинг шафоат хизматига қўшилиб, Худога яқинлашишга чорлай-

ман. Оилангиз, дўстларингиз, қўшниларингиз, ҳамкасларингиз, жамоатдагиларингиз ва атрофингиздагилар сизнинг ибодатларингизга муҳтождир. Бутун дунё ибодатларингизга муҳтож. Биз оғир вақтларда яшяпмиз, шунинг учун бир-биримиз учун ибодатда бўлишимиз лозим. Сизнинг шафоатингиз – бу атрофингиздагиларга келтирадиган энг фойдали ва қимматли инъом ҳисобланади. У бу одамларнинг тақдирига ва сиз ўзингизнинг абадиятдаги ҳаётингизга таъсир ўтказиш кучига эга. Баъзида, бирор киши учун, ягона сиз ибодатда турган пайтлар бўлади. Ёдингизда бўлсин, шафоатларингиз, кимнингдир ҳаётини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин.

Рахна бўлиб туринг

Рахна – бу икки юзанинг ўртасидаги ёриқ, жар бўлиб, кўчма маъноси – икки кишини ажратиб турган нарса. Бошқа давлатларда воизлик қилганимда, мен ва мени эшитаётган одамларнинг орасида масофа пайдо бўлади. Бу жисмоний (чунки мен саҳнада тураман) ва маданий масофалар бўлиши мумкин. Лекин, кўпинча, мени тил масофаси ташвиш-

лантиради. Одамлар мени тушунишларини истайман, шунинг учун таржимонни – мен билан тингловчиларнинг орасидаги масофасини олиб ташлайдиган ва менга, таълимотимни одамларга етказа олишимда ёрдам берадиган кишини таклиф этаман. Таржимон менга ёрдам бериш учун ҳаракат қиласи ва одамлар билан орамиздаги тўсқинликни олиб ташлайди.

Эзекил китоби 22:29-31 да Раббий рахна бўлиб турадиган инсонни излаётгани айтилган. Менимча, бу Каломдаги энг қайғули парчалардан бири: «Ердаги халқ эса бир-бирини эзмоқда, талон-тарож қилмоқда, камбағални ва қашшоқни сиқмоқда ҳамда мусофири ни ноҳақ эзмоқда. Мен уларнинг орасида девор қурадиган ва Менинг қаршиимда шу ер учун рахна бўлиб турадиган кишини изладим, лекин топа олмадим. Шундай қилиб, уларга Ўз қаҳр-ғазабимни қуяман, уларни Ўз қаҳримнинг олови билан қириб ташлайман, уларнинг қилмишларини ўзларининг бошларига соламан, дейди Раббий Худо» (ёзма ҳарлар билан ёзилган сўзлар менга – Ж. М. га тегишли). Моҳияттан, Худованд деяпти: «Ибодатда турадиган кишини изладим, бироқ топа олмадим, шунинг учун бу ерни қириб ташлашга мажбур бўлдим». Унга

керак бўлган ягона нарса – ибодат қила оладиган бир киши эди ва шунда мазкур давлат қутқарилар эди. Шафоат қанчалик муҳимлигини қўраяпсизми? Битта ибодат бутун давлатнинг тақдирини ҳал этиши мумкин! Бизда ҳар доим ибодат учун хоҳиш бўлиши зарур. Муқаддас Рух бизни, кимдир учун шафоат қилишга ундаса, Унга қулоқ солишимиз лозим. Балки, айнан бизнинг ибодатимиз жарни ёпишга ва умидсиз вазиятни ўзгартиришга ёрдам беради.

Худованд Ўз қарорини ўзгартириши мумкин

Эзекил китобидан келтирилган воқеадан хулоса қилсак: шафоат вазиятларни тубдан ўзгартиришга қодир. Бир кишининг ибодати кўплаб одамларнинг ҳаётини қутқариб қолиши мумкин. Бундан ташқари, шафоат Худонинг қарорини ҳам ўзгартира олишини биласизми? Битта ибодат туфайли У Ўз режаларига ўзгартириш киритиши мумкин!

Бир воқеани эслайсизми? «Шунда Раббий Мусога деди: «Ҳозироқ туш! Сен Мисрдан олиб чиққан халқинг йўлдан озди. Улар Мен амр

этган йўлдан дарров оғдилар. Ўзларига қуйма буқача ясаб, унга сажда қилдилар, қурбонликлар келтириб: «Эй Исройл! Мана, сизларни Мисрдан олиб чиқсан худойингиз!» – дедилар (Чиқиш 32:7-8).

Нима содир бўлганини эслаб кўринг. Мусо ўнта амрни олиш учун Синай тогига чиқди ва у ерда халқ кутганидан қўпроқ вақтга қолиб кетди. Одамлар йўлбошчисиз, ўз Раббийсини унутиб қўйдилар, ўзининг тана истакларига берилдилар ва олтиндан буқа ясаб, унга сажда қилиш учун қимматбаҳо тақинчоқларини эритдилар. Бошқача қилиб айтсак, Худованд Мусога деди: «Яхшиси, орқага қайт, чунки халқинг жиҳдий қўнгилсизликка тушиб қолди ва Мени ўта даражада жаҳлантириди». (Худога шукр, Сано 29:6 да, Унинг жаҳли бир лаҳза, шавқати эса абадий, деб айтилган!)

Воқеа давом этаяпти: «Раббий Мусога яна деди: «Бу халқнинг нақадар ўжарлигини кўриб турибман. Энди Мени ёлғиз қолдир, бу халқقا ғазабим қўзғалди ва Мен уларни қириб ташлайман. Эй, Мусо, уларнинг ўрнига сендан буюк халқ яратаман» (Чиқиш 32:9-10).

Яхшики, Мусо художўй одам эди, бўлмаса, айтиши мумкин эди: «Қандай зўр, улар ҳақида

унит. Яххиси, мен шуҳрат қозонай». Мусо ўз халқи учун шафоат қилишни бошлади, чунки бу одамлар у учун, ҳақиқатан ҳам қимматли эди. «Бироқ Мусо ўзининг Раббий Худосига ёлворди» (Чиқиш 32:11). Унда Худони ўз ҳолига қўйиш, нияти йўқ эди. Худованд унга аллақачон айтди: Мени ёлғиз қолдир ва улар учун ибодат қилма, бўлмаса сенга қулоқ солишимга тўғри келади». Мусо эса ўзиникида туриб олган эди: «Ё, Раббим! Ахир, бу халқни буюк қудратинг ва кучли қўлинг билан Мисрдан олиб чиққансан-ку! Ўз халқингта Ўзинг ғазабингни сочмагин!» (Чиқиш 32:11). Мусо енгилишни ўйламади ҳам, негаки унинг юраги Худонинг қарорини қабул қила олмади. У ўз халқини севар эди ва Худонинг табиатини, борлигини яхши билар эди. Бундан ташқари, Худованд халқини севишини ва уларни оғатда қолдиришни истамаслиги унга аён эди.

Мусо бу вазиятда қандай йўл тутди? У Худодан Ўз қарорини ўзгартиришини сўради (Чиқиш 32:12). Аниқроғи, у шундай деди: «Раббий, қулоқ сол! Сен Мисрликларнинг кўзида Ўзингнинг номингта доғ туширишни ва халқини қутқара олмас экан, дейишларини истамайсан-ку? Халқини азоб чекиб, чўлда ўлиб кети-

шига йўл қўйибди, дейишларини хоҳламайсан-ку? Ҳудожон, гап бизларда эмас, Сен ҳақда кетаяпти. Сендан ўтинаман, улар учун эмас, чунки улар аблаҳ одамлар, балки Ўзингнинг номинг учун – уларни қутқар. Мен Сенинг обрўйингга зарап етишини истамайман. Ҳудожон, илтимос, уларни қутқар, токи ҳамма Сенинг нақадар буюклинигни кўрсин» (Чиқиш 32:12-13). Ба Ҳудованд Ўз қарорини бекор этди: «Шунда Раббий Ўз ҳалқига келтирмоқчи бўлган қириб ташлаш ниятини бекор қилди» (Чиқиш 32:14). Бу шафоат ибодатининг вазифаларидан бири ва унинг гувоҳлигининг кучи.

Шафоат кўп нарсани ўзгартира олади

Ибодат кескин ўзгаришларга олиб келиши мумкин, чунки унда улган куч мавжуд. Бир кишининг шафоати ҳамма нарсани ўзгартириб юборишига, ўзимнинг ҳаётимдан мисол келтираман. Мен ҳеч қачон ўзимни спорт билан шуғулланишга мажбур эта олмас эдим. Умуман олганда, мен тартиб-интизомли кишиман, бироқ ҳар сафар жисмоний машғулотларни бошлаб, уларни тезда ташлаб кетар эдим. Очигини айтадиган бўлсам, машғулотларни ўлгудек ёмон кўрар эдим – улар мен

учун даҳшатлардан бири эди. Дэйв бутун умри давомида ўзини яхши формада сақлаб келган. Унинг интизоми доим кўз олдимда турар ва бу ўзимни яна кўпроқ айблашга мажбуrlар эди. Кўшимчасига, қайси шифокорга мурожаат қилмай, мендан спорт билан шуғулланиш, шуғулланмаслигимни сўрар эдилар. Мен йўқ, деб жавоб берар эдим. Ҳаммасидан ёмони, мен энига кенгайиб, формамни йўқотиишни бошлидим. Кўзгуга қараб, олдинги Жойс қаерга кеттанини тушунмай қолдим. Кўзгудаги аёл – бу ҳозирги мен эканимни англағанимдан сўнг, ўйладим: «Бу барча ёғлар билан нима қиласман энди?» Жавоб ҳар сафар бир хил эди: «Спорт билан шуғуллан». Мен тўнғиллардим ва нолир эдим, сўнг машғулотларни бошлар ва мушакларим чидағ бўлмас даражада зирқи-рашни бошлагунича шуғулланар эдим. Бундан кейин машғулотни тўхтатар эдим, негаки, билиб туриб ўзимни бунчалик қийнашнинг нима кераги борлигини тушунмас эдим.

Бир сафар, жиддий имонли дўстларимиздан бири қўнғироқ қилиб, деди: «Жойс, Раббий мени, шахсан ўзингга тегишли бўлган нарса учун ибодат қилишга ундаяпти – хизматинг учун эмас, шахсий истакларинг учун». Бу ин-

сон шафоатда кучли эканини билар әдим ва ўйладим: «Мен ҳамма нарсани торозига солиб қўришим зарур, чунки унинг сўраган нарсаси тез орада амалга ошади. Мен узоқ вақт фикрладим ва спорт билан шуғулланишга ўзимни мажбурлай олишим учун ибодат қилишини сўрадим. Бу менга ҳақиқатдан ҳам зарур эди, негаки мен кўп йил яшашни ва касал бўлмасликни истар әдим. Мен ҳали кўп йиллар – ИсоMasих қайта келгунича, шайтонга панд бериб яшаш хоҳишм бор эди! Шунинг учун дўстимизга қуидагича жавоб бердим: «Спорт билан жиддий шуғулланишимни бошлишда, иродам кучли бўлиши учун ибодат қилгин». Мен унга, бу масалада ўзимни интизомга sola олмаёттагнимни айтдим ва шу нарсани тан олиб, ўзимни чексиз енгил ҳис этдим. У мен учун сўраганидан сўнг, умримда биринчи марта доимий ва жадал машғулотларга киришдим. Кўп вақт ўтмай, жисмоний машғулотлардан ҳузурланишни бошладим.

Ибодат юки

Бошқалар учун ибодат қила туриб, баъзида Худодан ибодат юкини олишингиз мумкин – бу юрагингизни оғирлашишини, сўраётган

нарса ўта муҳимлигини ва шу нарса сизни тинч қўймаётганини сезасиз. Ибодат юкини нима эканини билмасангиз ҳам, руҳий жараённи охиригача тушунмасангиз ҳам, баъзида ибодатда туришга мажбуриларингизни ҳис этасиз.

Яқинда Худованд менга ибодат юкини берди. Узоқ кутган телекўрсатувимни кўриб ўтирган бўлсамда, негадир экранга диққатимни қаратишими қийин бўлди. Бирданига йиғлагим келиб қолди. Мен билан нима содир бўлаёттанини тушуна олмадим, бироқ ичимда, нимадир менга тинчлик бермас эди. Мен телевизорни ўчиредим, ерга юзим билан ётдим ва ўкириб йиғлашни ва ибодат қилишни бошлидим. Бир вақт бир ёш аёл ҳақида эсладим. Унинг ҳаётида муаммолар борлигини билар эдим. Мен у учун тахминан ўн беш дақиқалар сўрадим, шафоат қилдим, ёлвордим ва йиғладим. Ибодатни турагатиб, юк кетганлигини сездим. Ўрнимдан туриб, кўрсатувни кўришда давом этдим ва ҳаммаси ўтиб кетди.

Сизларга ибодатдаги бир муҳим фикрни айтмоқчиман. Юкни ўйлаб топиш ёки қалбаки чиқаришнинг имкони йўқ. Ибодат юкини эътиборга олмасангиз, хотиржам юра олмайсиз. Юқорида айтиб ўтган ҳолатни ҳали бо-

шингиздан кечирмаган бўлсангиз ва бир куни ибодат юкини олсангиз, мен билан нима содир бўляяпти, деб ҳайрон бўлманг. Менга келсак, уни камдан-кам оламан. Одатда оддий ва одатий ибодат қиласман. Аммо ҳар сафар қўзини юмганида, ибодат юкини оладиган одамлар ҳам бор. Менинг бир дугонамнинг – даъвати шафоатчилик. Беш дақиқа ибодат қилиши билан, гўдақдек йиғлашни бошлайди. Унинг даъвати меникидан фарқ қиласди, лекин у билан ибодат қилганимда, ўзимни руҳда заиф ҳис этмайман. Худованд менга юк берганида, бирданига жавоб қайтараман, бироқ У бермаганида эса, ўзимни айблаб, менга руҳийлик етишмаяпти, деб ўйламайман.

Шафоатчилар сифатида ибодат юкини фаҳмлаб олишимиз зарур. Шафоатчи миясига келган нарса учун ибодат қилмайди. Улар Худонинг бошқаруви бўйича ва юк улардан олинганини сезмагунича, жон бериб сўрайди.

Ҳар биримизда Худонинг бошқарувига эргашиб, бошқалар учун ибодат қилиш масъулияти бор. Шундай бўлсада, айрим кишилар шафоатчилик учун танланган ва улар маҳсус шафоат инъомига эгадирлар. Улар шафоатчи мансабида хизмат қиласидилар, дейиш мумкин.

Улар бошқалар учун бир неча соатлаб ёки ҳафтада бир неча мароталаб ибодат қилишлари мүмкін. Улардан күп марта, Худованда уларни ибодат учун кечалари уйғотиши ҳақида эшитамиз. Бундай одамлар ибодат пайтида маҳсус нарсаларни бошидан кечирадилар, бироқ Худованда ҳар биримизга ўзига хос усулда ибодатни ўргатишини, унутманг. Ибодат тажрибамиз бошқаникидан фарқ қиласа, ўзимизни камситилган сезмаслигимиз лозим.

Ўз даъватингизни топинг ва уни бажаринг

Ҳар битта имонли ибодат ва шафоат қилиши керак, бироқ ҳамма ҳам шафоат хизматига чақирилмаган. Жумладан, Худованда Дэйвни Америка учун шафоатчи қилиб қўйганига аминман. Шундан келиб чиқиб, у Раббий томонидан расмий равишда давлатимиз учун ибодат қилишга қўйилган; давлат муаммоларининг юки учун ибодатда туриш, унинг бўйнида, у давлатимизда руҳий уйғонишни кўришни истайди ва Қўшма Штатларга боғлиқ воқеаларга катта қизиқиш билдиради. У Американинг тарихини дикқат билан ўрганади ва ҳокимият-

да содир бўлаётган барча воқеаларни кузатиб боради. У ҳар сафар катта ғайрат билан ибодат қиласди. Буни шафоат хизматига мисол тариқасида айтаяпман.

1997-чи йилдан бошлаб, Дэйв ибодатларида Қўшма Штатлар учун бир неча марта самога ҳужм қилганини гувоҳи бўлганман. Менга келсак, давлат муаммоларига бунчалик даражада юракдан ёндошмайман, аммо бу мени умуман қизиқтирмайди ёки ҳокимият учун ҳеч қачон ибодат қилмайман, дегани эмас. Бу менда ушбу мавзуга нисбатан Дэйвнигида ўхшаш аланга йўқлигини билдиради, ваҳоланки бундай иштиёқ Худодан келади. Бу яна Худованд Дэйв билан бизни битта жамоа сифатида қўришини, уни бир мавзу учун, мени бошқа мавзу учун йўналтиришини англатади. Борди-ю, давлат учун Дэйвдек ибодат қилмаётганим учун, ўзимдан шубҳаланишни бошласам, унда менга айблов ҳисси келади ва Худованд менга тайёрлаб қўйган даъватни бажара олмайман. Аксинча, ўзимни даъватимни яхшироқ бажаришга дикқатимни қаратсам, бизнинг жамоамиз мағлубиятга учрамайди. Худованд ҳаммамизга бирдан барча мавзу учун ибодат қилишни буюрмайди.

Муқаддас Рух керакли мавзуларни ҳар бири-мизга ўзининг хоҳишига қўра тақсимлаб беради, биз эса Унга итоат этишимиз лозим.

Қачон ибодат қилмаслик керак

Бошқалар учун ибодат қилиш, баъзида Худонинг иродасига зид бўлиши мумкинлигини биласизми? Ишонасизми ёки йўқми, у ёки бу одам учун шафоат қилмаслигимиз зарур бўлган вазиятларга дуч келамиз. Худованд Еремия пайғамбарга деди: «Шундай экан, бу халқ (яхудийлар) учун сўрама, ибодат ва илтимосларингни осмонга кўтарма ва Менинг қаршимда шафоат қилма, чунки Мен сени эшитмайман» (Еремия 7:16).

Баъзида ибодатларимиз одамларни хавф-хатардан ёки синовлардан сақлаши мумкин. Аммо бу одамлар синовдан ўтиши талаб этилган вазиятлар ҳам бўлади, зеро уларни фақат қийинчиликлар Худога қаратиши мумкин. Душман бизни айлов ҳиссини сезишимишга мажбур этади, шунинг учун, ким учун ибодат қилмасак, гуноҳ қилишимизга ишонтиришни истайди. Муқаддас Рухга эргашиш муҳим. Балки, У ибодат қилишга унчалик кўп ундумаслиги мумкин, аммо чорлаган чоғда, Унга итоатда бўлинг.

Энг ҳаракатчан ибодат

Энг кучли ва ҳаракатчан ибодат – бу душманлар учун қилинган ибодат. Ҳақиқатдан, ибодатда кучли бўлган кишини топишни истасангиз, душманлари учун ибодат қилаётган кишини изланг. Бизни хафа қилган ёки бизга панҷ берган одамлар учун шафоатда бўлсак, Худованд бизни ортиғи билан марҳаматлайди.

Аюб ёдингиздами? У дўстлари уни хафа қилганидан сўнг ҳам, улар учун ибодат қилиши керак эди. Лекин ибодат қилган заҳоти, Худованд унинг ҳаётини тиклашни бошлиди ва йўқотган нарсаларини икки баробар қилиб қайтариб берди (Аюб 42:10). Бизни хафа қилганлар учун ибодат, мислсиз қудратга эга, зеро биз ибодат орқали у кишига бўлган севгимизни ва Худонинг Каломига нисбатан итоатимизни намоён этамиз.

Исо Масих, душманларимиз учун ибодат қилишни ўргатган: «Аммо мен сизларга айтаман, душманларингни севинглар, сизларни лаънатлаётганларни дуо қилинглар, сизлардан нафратланаётганларга яхшилик қилинглар, сизларни ҳақоратлаб қувғин қилаётганлар учун ибодат қилинглар» (Матто 5:44). Ўз ман-

фаатлари йўлида сиздан фойдаланган, сизга ёмон муносабатда бўлган, сизларни таъқиб қилган, сиз ҳақда даҳшатли нарсаларни гапирган кишилар ҳақида ўйлаганингизда – уларни лаънатламанг, балки дуо қилинг. Улар учун ибодатда бўлинг. Худованд душманларни дуо қилиш осонмаслигини ва бизда бунинг учун хоҳиш йўқлигини билади. Бироқ биз ўз истакларимизга боғлиқ бўлмаслигимиз зарур. Лаънатлашни ўрнига, дуо ва ибодат қилсак, бу руҳий дунёга кучли таъсир ўтказади ва Худованд ҳаётимизда ажойиб ўзгаришларни амалга ошириши муқаррар.

Келишув ибодати

Агарда, сиз узоқ вақт давомида бирор нарса учун ибодат қилиб, натижасини кўрмаётган бўлсангиз, балки бошқа имонлилардан биргалиқда келишув ибодатини амалга ошириш учун ёрдам сўраш керакдир. Яқдиллик – бу қудратли ва самарали руҳий куч ҳисобланади. Сано 132:1 да айтилганидек: розилик ибодати Худонинг баракаларини олиб келади (Муқаддас Китобнинг кенгайтирилган таржимаси китобидан).

Икки ёки уч киши бирга йифилса, Исо Масихнинг Ўзи уларнинг ўртасидан бўлишни ваъда берган, Унинг хузури эса улкан кучни вужудга келтиришга, инсон ҳаётини ва унинг вазиятини ўзгартиришга қодир. У қуидагича айтган: «Яна сизларга айтаман, агар ер юзида сизлардан икки киши келишув тузиб, нимаики сўрашса, Менинг Осмондаги Отамдан уларга берилади. Чунки қаерда икки ёки уч киши Менинг исмим учун йифилса, Мен у ерда уларнинг ўртасида бўламан» (Матто 18:19-20). Биз бирликда ва келишувда йифилганимизда, ибодатимизнинг кучи қўп карра ошади. Каломда бир киши мингтани, икки киши эса ўн мингтани ҳайдashi ҳақида айтилган (Қонуннинг қайтарилиши 32:30). Менга бундай ҳисоб-китоб ёқади!

Худованд бирликни дуо қилади, Унинг хузури эса – биргаликда Унинг исми учун йифилганилар билан бирга, шунинг учун шайтон бор кучи билан одамларни бир-биридан ажратишга, муносабатларига низо солишга, ғазаб ва ҳасадга ундашга, жанжал келтириб чиқаришга уринади. Куч – бирлик ва розиликда. Биз Худо билан шахсий муносабатларга вақт ажратишимиш, шу билан бирга розилик ибодатининг кучини ҳам унутмаслик лозим.

Келишиб яшанг

Келишув ибодати, ибодатга йигилган одамлар, ҳар куни тинчлик ва келишувда яшаган тақдирда, маҳсулдор бўлади. Бошқалар билан келишиб яшаш, ҳар хил масалаларда ўз фикрларимизга эга бўлмаслики билдиrmайди. Келишув муносабатларнинг ҳамоҳанглигини, ўзаро ҳурмат ва эътиборни, худбинлик, ғазаб, норозилик, ҳасад, хафагарчилик ва ўзини бошқа билан таққослаш – яъни тушунмовчилик ва жанжалларга олиб келадиган ҳамма нарсадан қочишни назарда тутади. Келишиб яшашни спорт жамоасининг ҳаётига ўхшатиш мумкин. Жамоанинг ҳамма аъзолари ҳамжиҳатлиқда меҳнат қиласидилар, бир-бирга далда беради ва руҳлантиради ҳамда ўзаро ишончга эга. Уларнинг ҳаммаси битта мақсадга қараб интилиши туфайли, ҳар битта ғалаба – бу умумий мукофот ҳисобланади.

Турмуш ўртогим Дэйв билан биз келишувда яшаймиз. Бу бизда барча масалалар бўйича ҳеч қачон фикрларимиз ҳар хил бўлмайди, дегани эмас. Бу биз баҳс ва келишмовчиликлардан қочишимиизни, қайсиdir ҳолатларда «норозилигимизга рози бўлишимизни»,

бир-бириңизни ҳурмат қилиб ва қадрлаши-
мизни билдиради. Худди шундай, «Жойс Ма-
йер Хизмати» нинг ходимлари билан ҳам
келишиб ишлашга ҳаракат қиласман. Мен
ҳамма қарорларни қабул қилишда иштирок
этмайман, лекин Худованд бизга берган ва
ҳар биттасининг юрагига калит топа олган
одамларимни фикран қўллаб-қувватлайман.
Биз ҳаммамиз, хизмат одида турган Худонинг
иродасига мос равишда ибодат ва меҳнат
қиласмиз. Бундан ўзимиз улкан баракаларга
эгамиз ва Худованд биз орқали бошқаларни
ҳам баракалаётганини гувоҳимиз.

Келишувни фақат нималигини эмас, бал-
ки нима эмаслиниги ҳам билиш зарур. Ми-
сол учун, биз ҳафта давомида чўпон тўғрисида
ғийбат қилиб, кейин шифокор жиддий таш-
хис қўйгани туфайли, ундан шифо сўраб ибо-
дат қилишини илтимос қила олмаймиз. Куни
бўйи фарзандларимизга қичқириб, тўхтовсиз
айблаб, танқид қилиб, кейин имтиҳонларни
мувоффакиятли топшириши учун биргаликда
ибодат қила олмаймиз. Ҳамкасбимизни орти-
дан ҳукм қилиб, кейин ишдан бўшатиш биз-
гача етиб келмасин, деб биргаликда ибодатда
тура олмаймиз. Турмуш ўртоғимиз билан до-

имиий жанжаллашиб, дўстларимизга уни ёмонлаб, кейин у ишини йўқотганида: «Кел, Худо сенга янги иш бериши учун ибодатда келишамиз», деб таклиф қила олмаймиз.

Бирлик ва келишувни сақлаш белгиланган кучни талаб қиласди, бироқ келишувда кишиларнинг ибодати олиб келадиган куч шунга арзийди. Худони бирликда яшашга қарор қилганимиз қувонтиради. Тинчлик яратувчи бўлинг, хотиржамликни сақланг ва сиз Худонинг фарзанди, деб аталасиз (Матто 5:9).

Самиими ибодат қилинг

Луқо Ҳушхабари 18:10-11 да, ибодат учун мабадга келган икки киши ҳақида ўқиймиз. Улардан бири фарзий эди, бошқаси – солиқ йифувчи. Исо Масих деди: «Фарзий туриб, ўз ичида шундай ибодат қиласди: Ё, Худо! Мен бошқа одамлардай талончи, жиноятчи, зинокор ёки бу солиқчи каби бўлмаганим учун Сендан миннатдорман». Шундан сўнг, у амалга оширган ҳамма яхши ишларини санай бошлади.

Каломнинг ушбу парчасида, фарзий Худога ибодат қилмаганига эътиборимни қаратаман. Мабадга кириб, у «бошқаларга кўрсатиб, ичида

ўзига гапирди». Ўзини ибодат қилаётгандек кўрсатган кишини қўраяпмиз. Аслида, у ҳатто Худога мурожаат ҳам қилмади, ичида ўзи билан сухбатлашди. Менимча, баъзида биз ҳам одамларга ёки ўзимизга кўз-кўз қилиб, ибодатда турамиз. Келинг, ўзимиз билан очик бўламиз: биз ўзимизнинг чиройли ибодатларимиздан ҳайратга тушишимиз ҳам мумкин. Келишув ибодатимиз воизликка айланмаслиги ва ўзимизни тенги йўқ руҳий инсондек тасвирламаслигимиз лозим. Биз фақат Руҳнинг ортидан эргашишимиз ва Худонинг қаршисида юрагимизни очишимиз зарур, холос.

Кучнинг ортиши

Исо Масих, икки ёки уч киши келишиб ибодат қилишса, Худованд уларнинг илтимосини амалга оширишини ваъда берган (Матто 18:19). Юқорида айтиб ўтганимдек, келишув ибодатидагилар, ҳар куни тотувликда ва бирликда яшасалар, Худованд уларнинг ибодатига жавоб беради. Худованд одамларнинг келишув, бирлик ва ҳамоҳанглилкка эришиш йўлида нимадандир кечишга тўғри келган меҳнатини қадрлайди. Аслида, У шундай дейди: «Келишувда бирга-

лиқда йиғилсангиз, Менинг кучим сизлар билан бирга бўлади. Сизнинг яқдиллигингиzinинг кучи шунчалик буюк ва ҳаракатчанки, керакли ўзгаришлар амалга ошиши муқаррар. Мен ибодатингизга жавоб беришимга шубҳаланманг».

Келишув кўпайтириш қонуни билан ҳаракат қиласидиган кучга эга, шунчаки йиғинди эмас, шунинг учун бир киши мингтани, икки киши эса ўн мингтани ҳайдайди (Қонунни қайтарилиши 32:30). Келишув кучларнинг йигиндиси қонуни билан ишлаганда эди, икки киши икки мингтани ҳайдаган бўлар эди. Ваҳоланки, бирлик Худонинг баракаларини ўзига тортади ва у ҳар доим қайта ва қайта кўпайишни назарда тутади. Шу сабабли, ҳақиқий келишув ибодати – бу руҳий дунёда ҳаракатланадиган тенги йўқ қудратли куч ҳисобланади.

Яқинда ибодатнинг кучига мисол тариқасида бир воқеани эшитдим. Ўша мисол келишув ибодатининг кучини тушунишингизга ва бу ибодатдан кўпроқ фойдаланишингизга туртки бўлади.

Алан, Худованд унга умр йўлдош беришни айтганида йигирма бир ёшда эди. Атрофида гиларга, оила қуриш учун у анча ёшдек кўрин-

ди. Алан чўпонлар билан бу ҳақда сұхбатлашди ва улар мазкур қарорга келдилар: Раббий уни бошқарайпти ва ибодатига жавоб олишига ишонишини истаяпти. У чўпонлар билан яқин муносабатда эди ва улардан умр йўлдош сўрашда, уни қўллаб қувватлашларини илтимос қилди. У шундай сўрар эди: «Художон, Каломда айтилган, Сен ёлғизларга оила берасан, шунинг учун менга мос рафиқа юборишингни сўрайман». Чўпон иккинчи томонда туриб, унинг илтимосига қўшилган ҳолда, ибодат қиласар эди: «Раббий, мен Аланнинг илтимосига қўшиламан. Сенинг Каломингга кўра ерда икки ёки уч киши келишиб сўраган нарсани, Осмондаги Отамиз беради. Шунинг учун, Раббий Аланга рафиқа беришинг учун, шу ибодатда ўзаро келишамиз».

Атиги олти ҳафтадан сўнг, Худованд Аланнинг ибодатига жавоб берди. Унда, бир неча ой олдин танишган қиз, унинг бўлажак рафиқаси эканига, тушунтириб бўлмайдиган, лекин мустаҳкам аминлик пайдо бўлди. Бунгача, улар бир-бирларига ҳеч қандай қизиқиш билдирамган, фақат Алан чўпон билан оила қуриш учун ҳар куни сўрашни бошлаганида, унинг қизга

нисбатан ҳислари ўзгарган. У қизда ҳам шундай нарса содир бўлган.

Бошида иккиси ҳам бунга эътибор бермасликка уринишган. Алан, Худованд бунчалик тез жавоб бериши мумкин эмас, деб ҳисобланган. Худованд унга рафиқани бир неча ой ёки йиллардан сўнг юборади, деб ўйлаган ва бўлажак келин учун ҳар куни ибодат қилишга тайёр бўлган. Олти ой у учун ўта қисқа муддат бўлиб кўринган. Бир қанча вақт давомида иккиси ҳам ҳисларини сўндиromoқчи бўлишган ва охир оқибат, Худованд уларни никоҳ қуришга дуо қилаётганини англашган. Етти ойдан сўнг, улар оила қурдилар. Ортга қараб, Алан уларнинг никоҳи, чўпонга доимий қўнғироқ қилиб, Худодан рафиқа сўраган кечаларининг натижаси эканини билади. Бу ёшлар оила қурганига икки йил бўлди. Ҳозирда улар биринчи фарзандини кутаяптилар.

Бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман, ҳар битта турмуш ўртоқ учун сўрайдиган киши, Аландек тез жавоб олмайди. Эслаб кўринг, у Худодан рафиқани ўз вақтида беришини сўраган эди.

Аланнинг ҳаётидан содир бўлган воқеани кўриб, ҳар биримиз келишув ибодатининг кучига ишонч ҳосил қиласиз. Мен бу кучнинг ҳа-

ракатини ўзимнинг ҳаётимда ҳам, хизматимда ҳам кўп марта қўрганман. Келишув ибодати қўпайтирилган кучни вужудга келтиради ва у ҳаётингизга улкан ўзгаришларни олиб келишга қодирлигига ишонаман.

Қисқа хуносалар

Имонлилар сифатида, биз ҳаммамиз Худонинг катта оиласининг бир қисмимиз. Муносабатлар – бу масихийлик ҳаётининг ўзаги ҳисобланади. Биз бир-биrimizга қўмаклашишга, юпатишга, муаммо ва муваффақиятларимизни ўзаро бўлишишга, бир-биrimizни юкимизни кўтаришга чақирилганмиз. Шунингдек, биз бирга ва бир-биrimiz учун ибодатда туришимиз лозим.

Ўзга киши учун ибодат қилиш шафоат, деб аталади. Шафоат инсон ҳаётини тубдан ўзгартириб юбориши мумкин. Ибодатимизнинг кучига беписанд бўлмаслигимиз керак. Бир кишининг ибодати эҳтимолдан узоқ натижаларга олиб келиши мумкин!

Шу билан бирга, биз бошқалар билан келишув ибодатини ҳам амалга оширишимиз зарур. Муносабатлардаги ҳамоҳанглик ибо-

датдаги яқдилликка олиб келади, у ўзидан куч чиқаради ҳамда инсон ҳәётини ва ҳар қандай вазиятни ўзгартиришга қодир.

Ибодатга оид фойдалы фикрлар

- *Шафоат – бу бошқа одамлар учун сўраш. Бирор киши учун шафоат қилиб, биз ўша киши ва Худонинг ўртасида рахна бўлиб тўрамиз.*
- *Ибодатлар натижасида Худованд Ўз қарорини ҳам ўзгартириши мумкин.*
- *Ибодат юкини сезиб, у сиздан кетганига ишонч ҳосил қилгунингизча, ибодат қилинг. У ёки бу вазият учун ибодат қилмасликни сезсангиз, уни Худога топширинг ва ўзингизни ибодат қилишга мажбурламанг.*
- *Ҳаммамиз Худога итоат этишимиз ва ҳар сафар У үндаған чоғда шафоат қилишимиз керак.*
- *Құдратли ва маҳсулдор ибодатлардан бири – бу душманалар учун қилинадиган ибодат.*
- *Бир-бирлари билан хотиржамликда яшайдиган одамлар келишув ибодатида бирлашибалар, құдратли руҳий куч вүжудга келади.*

- Келишиувда яшаши ҳамоҳангликини, покдилликни, ўзаро ҳурмат ва муносабатлардаги илтифотни ҳамда жанжал, ҳасад, хафагарчилик, газаб ва норозилик йўқлигини назарда туттади.
- Келишиув ибодати кўпайтирилган кучни олиб келади ва Худонинг баракаларини ўзига торттади.

ТАВБА ИБОДАТИ

Худованდ сизни севади ва У билан яқин муносабатларга эга бўлишингизни истайди. Сиз ҳали, Исо Масиҳни Раббим ва Нажоткорим, деб қабул қилмаган бўлсангиз, буни ҳозирнинг ўзида амалга оширишингиз мумкин. У учун юрагингизни очинг ва қуидаги сўзларни айтинг:

«Отажон, Сенинг қаршингда гуноҳкорман. Ўтина-ман, мени кечиргин. Мени поклагин. Сенинг Ўғлинг, Исо Масиҳга ишонишга ваъда бераман. У мен учун ўлганига: У хочда ўлаётиб, менинг гуноҳларимни Ўзига олганига ишонаман. уни ўлимдан тирилганига ишонаман. Ва, ҳозирнинг ўзида, мен ўз ҳаётимни Унга топшираман. Отажон, кечирим ва абадий ҳаёт инъоми учун миннатдорман. Илтимос, Сен учун яша-шимга ёрдам бергин. Исо Масиҳ номи билан. Омин».

Агар сиз бутун юрагингиз билан сўраган бўлсангиз, Худо сизни қабул қилди, поклади ва руҳий ўлим кишанларидан озод этди. Қуидаги келтирилган оятларни ўқинг ва ўрганиб чиқинг. Худодан, сизга уни эшишишга ёрдам беришини сўранг, зеро энди сиз, У билан янги ҳаётни бошлайпсиз.

Юҳанно 3:16

1 Коринфликларга 15:3-4

Эфесликларга 1:4

Эфесликларга 2:8:9

1 Юҳанно 1:9

1 Юҳанно 4:14-15

1 Юҳанно 5:1

1 Юҳанно 5:12-13

Худодан Унинг Каломидаги таълимотларни соғлом тарзда воизлик қиласиган, Масиҳни яхшироқ таниб-билишда ва руҳий ўсишда ёрдам берадиган яхши жамоатни топишда кўмак сўранг. Худованд доимо сиз билан. У сизни ҳар куни йўналтиради ва сиз учун тайёрлаб қўйилган фаровон ҳаётда яшашни кўрсатади.

СИЗНИНГ ХАТЛАРИНГИЗНИ УШБУ МАНЗИЛ БҮЙИЧА КУТАМИЗ:

Joyce Meyer Ministries
P.O. Box 655
Fenton, MO 63026
USA

(636) 349-0303 www.joycemeyer.org

Joyce Meyer Ministries—Canada
Lambeth Box 1300
London, ON N6P 1T5
Canada
1-800-727-9673

Joyce Meyer Ministries—Australia
Locked Bag 77
Mansfield Delivery Centre
Queensland 4122
Australia
(07) 3349 1200

Joyce Meyer Ministries—England
P.O. Box 1549
Windsor SL4 1GT United Kingdom
01753 831102

**tv.joycemeyer.org сайтида Жойс Майер
хизматини бир неча ўнлаб тилларда
томуша қилишингиз мумкин.**

Ибодатнинг бир неча турлари мавжуд бўлиб, ушбу китобдан уларнинг айримлари тўғрисида гап боради. Ибодатнинг турларини қанчалик яхши фарқлай олсангиз, ибодатларингиз шунчалик катта кучга эга бўлади. Жумладан, мақтов, сажда ва миннатдорлик ибодатлари, ўзининг оддийлигига қарамай, ҳаётимизни ақл бовар қилмас куч билан тўлдиради; умидворлик ибодатида Худога ўз муаммоларимизни топширамиз ва У уларни энг яхши тарзда ҳал этишига шубҳаланмаймиз. Сўров ибодатида Худодан ниманидир сўраймиз ва У юрагимиз истакларини амалга оширади. Келишув ибодати эса қаршисида бирорта ҳам тўсиқ дош бера олмайдиган қудратли руҳий кучни вужудга келтиради.

Ибодатнинг ҳар хил турларини ўрганинг, уларни ҳаётга тадбиқ этинг, шунда ҳаёtingиз янги куч ва Худонинг мўъжизалари билан тўлиб-тошади.